

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БАНК – МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ» ФАКУЛТЕТИ

«МОЛИЯ ВА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ» КАФЕДРАСИ

**«Химояга тавсия этилди»
«Молия ва суғурта хизматлари»
кафедраси мудири, проф.
Зайналов Ж.Р.**

2012 йил «26» май

**“Суғурта иши” таълим йўналиши
СИ-108 гуруҳ талабаси Жураев Ёқубнинг**

**«Қайта суғурталаш муносабатлари ва уни ривожлантириш йўллари
(«Ўзагросуғурта» ДАСК Иштихон туман бўлими маълумотлари
бўйича)» мавзусида**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: к-ўқ. Қосимова Ф.

**Илмий маслаҳатчи: Тошмуродов А. –
«Ўзагросуғурта» ДАСК Иштихон
туман бўлими бошлиғи**

САМАРҚАНД - 2012

Мундарижа

Кириш.....	3
I БОБ. Қайта суғурта ва унинг аҳамияти	
1.1. Қайта суғурта ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.....	6
1.2. Қайта суғуртани талаб ва таклиф асосида шаклланиш асослари.....	9
1.3. Қайта суғурта хизматларини мижознинг талабига кўра омиллар билан таъминланганлигининг тавсифи.....	16
II-БОБ. Қайта суғурталашни оптимал даражасини белгилаш омиллари ва йўқотишларни олдини олиш йўллари	
2.1. Қайта суғурталашда оптимал улуш даражасини белгилаш тартиби.....	23
2.2. Катта капитални йўқотиш эҳтимоллигини суғурталаш.....	26
2.3. Қайта суғурталаш ёрдамида зарарни камайтириш.....	29
III БОБ. Қайта суғурталашни ривожлантириш йўллари	
3.1. Фуқаролик мулкани қайта суғурталаш орқали уларни суғуртавий ҳимоялашни ривожлантириш.....	32
3.2. Юридик шахслар мулкани қайта суғурталаш орқали уларни мулкӣ ҳимоясини кучайтириш йўллари.....	38
3.3. Қайта суғурта муносабатларини ривожлантириш йўллари.....	50
IV БОБ. «Ўзагросуғурта» ДАСК Иштихон туман бўлимида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари	
4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	56
4.2. «Ўзагросуғурта» ДАСК Иштихон туман бўлими ходимлари меҳнат фаолияти муҳофазасини ҳолати.....	58
4.3. «Ўзагросуғурта» ДАСК Иштихон туман бўлими ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлар.....	61
4.4. «Ўзагросуғурта» ДАСК Иштихон туман бўлимида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга ошириб келаётган ишлари ва уни мукаммаллаштириш йўллари.....	66
Хулоса.....	71
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	73

Кириш

Мамлакатимизда босқичма - босқич бозор муносабатлари шаклланиши ва ривожланиши, иқтисодий субъектларининг юксак даражадаги иқтисодий мустақиллиги, эркинлиги даражаси ортиб бораётган жараёнда доимо рисклар мавжуд бўлиши кузатилади. Улар манфаатларига зарар келтириши мумкин бўлган ва доимий такрорланиб турадиган рискларни қайта тақсимлаш, яъни ўзига хос бўлган махсус хизмат билан суғурта шуғулланади.

Қайта суғурталаш орқали иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида суғурта ташкилотлари турли суғурта муносабатларини амалга оширишга ва йўл қўйилишига қулай шарт-шароитлар яратилди.

Иқтисодий адабиётда қайта суғурталаш суғуртанинг мустақил тармоғи сифатида қайд этилади. Қайта суғурталаш – бу мустақил суғурта тармоғи бўлиб, унда суғурта объекти суғурталанувчининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида етказилиши мумкин бўлган зарар ҳисобланади. Қайта суғурта суғуртанинг мустақил тармоғи сифатида эътибор қаратадиган бўлсак, унда у “бир шахс томонидан бошқа бир шахс мулкый манфаатларига зарар етказиш жавобгарлигини суғурталовчи ихтиёрига ўтиши тушунилади.

Қайта суғурталаш суғурта мустақил тармоғи сифатида янги суғурта тури бўлиб ҳисобланади. Суғурта соҳасининг ривожданиш жараёнида қайта суғурталаш жабҳалари кенгайиб борди ва унинг қамроғи ошади. Мазкур суғуртанинг иқтисодий моҳияти суғурталанувчининг бошқа шахсларга етказган зарарларини тўлаб бериш мажбурияти суғурталовчилар зиммасига юклатилиши билан изоҳланади. Ушбу ўринда, қайта суғурталанувчи сифатида мижоз юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Қайта суғурталашдан мақсад молиявий барқарорликни таъминлаш бўлиб ҳисобланади.

Ўзида катор бир-нечта суғурта турларини мужассамлаштирган, қайта суғурталашнинг моҳияти шундан иборатки, у мижозлар томонидан етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилгандир.

Қайта суғурталаш ўзида мол-мулк, ҳаёт ва бошқа суғурта турларининг айрим қирраларини намоён этади. Яъни, агар зарар юридик ёки жисмоний шахснинг мол-мулкига етказилган бўлса мол-мулк суғуртасини; агар зара жисмоний шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган бўлса, шахсий суғурта турларини қамраб олади. Шунингдек, мол-мулк суғурта турларидан фарқли равишда мол-мулки қайта суғурталаш, биринчи навбатда, суғурталанувчи томонидан етказилган зарарларни қоплаш ва бир вақтнинг ўзида суғурталанувчининг мулкӣ манфаатларини кучли ҳимоя этиш воситасидир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қайта суғурталашнинг назарий ва амалӣ жиҳатлари хорижлик олимлар В.Ю.Абрамов, Д.Бланд, А.А.Гвозденко, Л.А.Орланюк-Малицкая, Т.А.Федорова, В.В.Шахов, И.Э.Шинкаренко, Р.Т.Юлдашевларнинг илмӣ ишларида тадқиқ қилинган. Ўзбекистонлик иқтисодчилар Т.М.Баймуратов, Ж.Р. Зайналов, А.Мадиев, Р.М.Мусаев, М.А.Мирсодиқов, А.С.Нуруллаев, Ҳ.Р.Собиров, Х.М.Шеннаев ва Қ.М.Қўлдошевлар қайта суғурталашнинг амалӣ жиҳатларини таҳлил қилишга ўз эътиборларини қаратишган. Умуман, иқтисодӣ адабиётда қайта суғурталаш муаммолари мамлакатимиз мисолида мустақил илмӣ-тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

БМИ мақсади. Иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида қайта суғурталашни муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган илмӣ тақлиф ва амалӣ тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

БМИ вазифалари:

- қайта суғурталашнинг ижтимоӣ-иқтисодӣ моҳиятини ёритиш;
- қайта суғурталашнинг ташкилий-ҳуқуқӣ жиҳатларини ёритиш;
- қайта суғурталашнинг зарурлигини ёритиш;

- қайта суғурталашнинг ҳуқуқий асосларини баҳолаш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

- қайта суғурталашнинг иқтисодий-ташкилий асосларини таҳлил қилиш асосида унинг илғор тажрибаларини республикамизда ижобий қўллашга қаратилган илмий тавсиялар тайёрланди;

- қайта суғурталашнинг ривожланишидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишга қаратилган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

БМИ объекти ва предмети. Қайта суғурталашнинг суғурталанувчиларга зарар етказиш билан боғлиқ манфаатларни суғурталаш борасидаги фаолияти мазкур тадқиқот ишининг объекти ҳисобланади.

Қайта суғурталаш жараёнида суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасида вужудга келадиган молиявий муносабатлар ушбу илмий-тадқиқот ишининг предмети саналади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот ишида кузатиш, гуруҳлаш, умумлаштириш, мантикий таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

БМИнинг тузилиши. БМИ таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. БМИ матни 74 саҳифадан иборат бўлиб, унда 3 та жадвал ва 4 та чизма келтирилган.

I БОБ. ҚАЙТА СУҒУРТА ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

1.1. Қайта суғурта ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

Суғурта муносабатлари таркибида қайта суғурталаш алоҳида ўрин эгалаб келмоқда. Суғурта муносабатлари такомиллашувини қарор топиши билан қайта суғурталаш биргаликда кечадиган жараёндир. Қайта суғурта фаолияти суғурта инфратузилмасининг ажралмас қисми сифатида *бир томондан*, суғурталанувчиларни кафолатлашни таъминласа, *иккинчи томондан*, шартномавий мажбурият ва тарифлар механизми орқали турли суғурта рискларидан огоҳ этиш негизида иқтисодиёт субъектлари манфаатларининг ҳимояси этишни таъминлайди.

Қайта суғурта жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг рисклар юз бериши оқибатида кўриши эҳтимол бўлган зарарларини қоплашнинг зарурий воситаси сифатида пайдо бўлди ҳамда ривожланди. Шундай англанилган зарурат - аниқ суғурта манфаатлари негизида қайта суғурта муносабатлари шакллантирилди.

Қайта суғурта муносабатлари, уларнинг ташкилий шакллари қандайлигидан қатъи назар, суғурта фондини яратишга ва ундан фойдаланишга имконият яратади. Таъкидлаш лозимки, қайта суғурта муносабатлари - мураккаб ва кенг қамровли молиявий-пуллик иқтисодий муносабатлар бўлиб, улар юзага келиши учун ўзаро боғлиқ шарт-шароит мажмуаси яратилиши зарурдир.

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривож топиши жараёнида турли рискларнинг юз бериши эҳтимоли мавжудлиги, шунингдек, ижтимоий ҳаётнинг ўзида намоён бўлиши мумкин бўлган қарама-қаршиликлар субъектларнинг қайта суғурта фаолиятини ижобий томонга ўзгартирди.

Қайта суғурта суғурта бозорининг энг муҳим унсурига айланди. «Қайта суғурта деганда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг қайта суғуртани ички эҳтиёжларидан келиб чиқиб амалга ошириш билан боғлиқ

фаолияти тушунилади». «Шу нарсa аниқки, бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар... суғурта тизимисиз самарали ишлаш, инвестиция фаолияти билан шуғулланиш, кредит олиш имкониятига эга эмас»¹.

Шу ўринда, ишлаб чиқариш(иш бажариш, хизмат кўрсатиш)да узлуксизликни таъминлаш имкониятини яратиш мақсадига йўналтирилган, мулкчилик шаклларига кўра, махсус қайта тақсимлаш муносабатлари тизими мавжудлиги иқтисодиёт субъектлари раvнақига хизмат қилмоқда. Бу жараёнда уларнинг мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда даромад олишлари каби манфаатлари юзага чиқади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қайта суғурта фаолиятини шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уни илмий асосда ўрганиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этмоқда. Айниқса, иқтисодиёт субъектларининг эркинликлари кенгайиб бораётган, улар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш(иш бажариш, хизмат кўрсатиш)нинг янги турлари ўзлаштирилиши қайта суғурта фаолиятида рискларни илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш ва такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжни орттирмоқда.

Қайта суғуртанинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини тўлиқроқ очиб бериш учун илмий адабиётларда бу масалага бўлган ёндашувларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Уларда *«суғурта-хизмат кўрсатиш индустрияси»*² эканлиги қайд этилган, шунга асосланиб, кейинги йилларда халқаро иқтисодий атамашуносликда *«хизматлар иқтисодиёти назарияси»* қарор топаётганлигини таъкидлаш мумкин.

Суғурта фаолиятида ўз моҳияти нуқтаи назаридан, айнан «хизмат» тушунчаси фундаментал ҳисобланади. Суғуртачи томонидан таклиф этилаётган *«хизмат»* ўзида дастлаб моддийликни акс эттирмайди, яъни у ўз

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда.

² Қаранг: Insurance: Principles and Practice. Compiled by David Bland, The Chartered Insurance Institute, Great Britain, 1993. p. 1 b. 3.

мижозига фақат «*ваъдани сотади*». Шу нуқтаи назардан халқаро савдода унга «*кўринмайдиган фаолият*»³ деб ҳам тасниф берилади.

Қайта суғурталанувчига шартнома тузилганлигини тасдиқловчи далил-хужжат сифатида «*полис*»⁴ берилади холос. Қайта суғурта шартномасида суғурталанувчига суғурта воқеасига кўра, кўриши эҳтимол бўлган зарарининг эквивалент қийматидаги пул тўлови (айрим ҳолларда мол-мулк кўринишида) таъминланиши назарда тутилади. Шартноманинг бажарилиши унда қайд этилган маълум давр оралиғида амалга оширилади.

Қайта суғурталашда суғуртачининг саъй-ҳаракати ўз мижозларини қайта суғурта полисини сотиб олишлари орқали фойдали келишувни амалга оширганликларига ишонтиришга йўналтирилган бўлиши муҳимдир.

Қайта суғуртанинг ўзига хос функциялари унинг доимий такрорланиб турувчи қатор вазифаларида намоён бўлади. Суғуртанинг функциялари (Сф) рискдан ҳимоя (РХ), огоҳ этиш (ОЭ), инвестиция (И), жамғармачилик(Ж)дан, яъни: $Sф = РХ + ОЭ + И + Ж$ иборат⁵ бўлган бўлса, XXI аср бошида унинг янги (*ахборот бериш ва технологик (АТ)*) шунингдек, ривожланаётган давлатлар мисолида *ижтимоий ҳимоя (ИХ)* каби фуқциялари намоён бўлаётганлиги ҳақида ҳам фикр билдириш мумкин. Суғурта функцияларининг янги мажмуаси⁶ (1-чизма) $Sф = РХ + ИХ + ОЭ + И + Ж + АТ$ кабилардан иборат бўлиб қолди.

Индивидуал суғурта⁷ доирасида ҳар бир шахс ўз эҳтиёжи ҳамда манфаатидан келиб чиқиб, қайта суғуртани ва қоплама суммаси ҳажмини

³ Қаранг: Insurance: Principles and Practice. Compiled by David Bland, The Chartered Insurance Institute, Great Britain, 1993. p.1 b. 4.


⁴ Қаранг: Ефимов С.Л. Энциклопедический словарь. Экономика и страхование. М.: Церих-ПЭЛ, 1996. I-X, с. 347.

⁵ Суғурта функцияларининг янги мажмуаси мазкур тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилди.

⁶ Суғурта функцияларининг янги мажмуаси мазкур тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилди.

⁷ «Индивидуал суғурта» деганда, аниқ жисмоний шахслар билан яқка тартибда тузиладиган суғурта шартномаси асосида амалга ошириладиган ихтиёрий суғурта назарда тутилмоқда.

ихтиёрий асосда белгилайди. Шу ўринда, қайта суғурта иқтисодий-ижтимоий ҳимоя функцияси яққол намоён бўлади.



1-чизма. Қайта суғурта функцияларининг мажмуаси


Қайта суғурта - молиявий таъминот воситаси сифатида миждозларнинг капиталини, мол-мулкни рисклардан ҳимоясини кафолатлаши орқали *суғурталанувчининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлайди.*

Бундай ҳимоя таъминланишида суғуртанинг рискдан ҳимоя функциясидан фарқли равишда ижтимоий-иқтисодий ҳимоя функцияси миждоз учун аҳамиятлироқ саналади. Бу ҳолат ривожланаётган давлатларда фуқаро ва юридик шахсларнинг бир субъектга (жон бошига) олаётган даромадлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, янги мулкларни сотиб олиш имкониятлари чекланганлиги сабабли, улар учун кўпроқ моҳият касб этиши билан изоҳланади.

1.2. Қайта суғуртани талаб ва таклиф асосида шаклланиш асослари

Қайта суғурта талаб ва таклиф асосида ривож топиши, *бир томондан*, турли мулкчилик шаклларидаги суғурта ташкилотларининг фаолият кўрсатишлари учун зарурий шарт-шароитни яратса, *иккинчи томондан*,

хўжалик субъектларининг мол-мулк капитали ҳамда даромадларини кутилмаган турли рисклардан ҳимоясини таъминлайди. Худди шундай асосга кўра, суғурта хизматига бўлган талабдан келиб чиқиб, субъектларнинг қарорни қабул қилиш босқичлари (2-чизма) намоён бўлади.



2-чизма. Қайта суғуртага бўлган талаб асосида субъектларнинг қарорни қабул қилиш босқичлари

а) Қайта суғуртага бўлган талабни аниқлаш. Субъектлар томонидан қайта суғурта хизматига бўлган талаб хилма-хиллигига қарамасдан, улар ўртасида ўзаро умумийлик мавжуддир.

Субъектларнинг мазкур талабларга бўлган эҳтиёж ва мақсадларидан келиб чиқиб, уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- капитал, мол-мулк ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ муносабатларда намоён бўладиган мураккаб рисклардан ҳимояланишга бўлган эҳтиёжга асосланиб;

- кутилмаган иқтисодий рисклардан ҳимоялаш юзасидан ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашга қаратилган мақсаддан келиб чиқиб;

- инсон омилидан фойдаланишга бўлган талабга биноан;

- ташқи муҳит таъсирини оптималлаштириш юзасидан ҳимояга

б) Суғурта хизматининг муқобил вариантларини излаш

в) Таклифларни ўрганиш, таҳлил этиш, танлаш ва қарорни қабул қилиш


а) Суғуртага бўлган талабни аниқлаш

бўлган заруратга кўра.

б) *Қайта суғурта хизматининг муқобил вариантларини излаш ўз-ўзини* суғурталаш ҳисобланади. Унга кўра, кўрилиши эҳтимол бўлган зарарни қоплаш учун махсус фондга ажратмалар ҳисобига рискни тўлиқ ёки унинг маълум қисмини суғурталаш амалга оширилади.

Йирик корхоналар, ишлаб чиқариш гуруҳлари кэптив суғурта ташкилотини⁸ ташкил этиш ёки сотиб олиш борасида кенгрок имкониятга эга бўлиб, улар мазкур қайта суғуртани суғурта ташкилотига у билан боғлиқ рискларни бошқариш вазифасини ҳам юклаб қўйишлари мумкин.

в) *Таклифларни ўрганиш, таҳлил этиш ва танлаш.* Бунда юз бериши эҳтимол бўлган риск ҳолатларига кўра, субъект ўз олдига қўйган вазифаларидан келиб чиқиб, суғурталаш стратегиясини (3-чизма) танлайди.



Халокат даражасидаги воқеалар	Суғурат фонди қопламалари ҳисобига
Ўртача даражадаги воқеалар	Одатдаги меъёрий қопламалар ҳисобига
Енгил даражадаги воқеалар	Субъектнинг ўз томонидан амалга ошириладиган тадбирлар орқали

3-чизма. Қайта суғурта рискин қоплаш бўйича стратегияни танлаш

Қайта суғурта суғурта рискин қоплаш мақсадида, аниқ бир суғурта турини танлаш бўйича қарорни қабул қилишда, якка тартибда таклифларни

⁸ Кэптив суғурта ташкилоти (инг. «Captive insurance company») - бу йирик молия-саноат гуруҳлари ёки кўп тармоқли концернлар таркибига кирувчи хўжалик субъектлари ҳамда таъсисчиларнинг корпоратив суғурта манфаатларига хизмат қилувчи акционерлик суғурта компаниясидир. Унинг фаолияти асосан қайта суғурталаш операцияларини амалга оширишга йўналтирилгандир. (Қаранг. Ефимов С.Л. Энциклопедический словарь. Экономика и страхование. М.: Церих-ПЭЛ, 1996, I-X, с. 224.)

ишлаб чиқиш мижознинг суғурта хизматига бўлган талабидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Мазкур танлов жараёнида қайта суғурта ходисаси, яъни риск даражаси муҳим роль қўнайди. Масалан, *биринчи ҳолатда* субъектнинг суғурта фонидан риск қопламасини олишга бўлган зарурати юқори эканлиги кузатилса, *бошқа ҳолатларда*, яъни ўртача ва енгил риск даражасидаги ходисалар юз бериши оқибатларини одатдаги меъёрий қопламалар ёки ўз ҳисобидан тугатиш имконияти мавжудлиги сабабли субъект суғурта хизматига эҳтиёж сезмайди.

Бу жараёнда риск даражаси юқорилиги субъектнинг суғуртага бўлган талабини оширса, аксинча ҳолат, риск даражаси ўртача ёки енгиллиги, унинг бундай кафолатли ҳимояга бўлган талабини пасайтиради. Шу ўринда, аҳолининг суғурта хизматига бўлган талабини ўрганиб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Жамиятни ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги туб ўзгаришлар аҳолининг ҳам қайта суғурта хизматига бўлган талабини орттирмоқда. Қайта суғурта хизматининг аҳоли томонидан сотиб олиниши субъектив танлов, оқилоналик ва ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Шунингдек, шахснинг ўзига хос хусусияти, ҳаёт муҳити ва шу каби омиллар бу танловга ўз таъсирини кўрсатади. Оила даромадининг ортиши ва шахс ёшининг улғая бориши ҳам рискдан ҳимояланишга бўлган эҳтиёжни оширади⁹.

Суғурта ташкилотлари томонидан таклиф этилаётган қайта суғурта энг аввало юз бериши эҳтимол бўлган рискдан суғурталаш доимий такомилдаги хизмат бўлиб, у кўп жиҳатдан мижознинг талаб ва истакларига боғлиқдир. Демак, қайта суғурта хизмати даражасининг қандайлиги ўзига хос такомиллашув анъанасига эга бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқаришдан фарқлидир. Бу фарқлилик қуйидаги оқибатларни келтириб чиқаради:

⁹ Қаранг: Форесъети Д. Структура спроса в страховании. Пер. с итальянск. Strategy and Marketing Università Commerciale L. Bicci Milano, 1995. с.74.

- *биринчидан*, меъёрий ва самарали ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун захира фондидан фойдаланиш орқали талабнинг ўзгарувчанлигини мувофиқлаштириш имконияти мавжуд эмас. Бундай талабга жавоб бериш учун унинг энг юқори даражасида ҳам унга мувофиқ равишдаги ишлаб чиқариш захиралари мавжудлигини таъминлаш муҳим бўлиб, у универсал захиралар тизимини яратиш ёки талабни бошқариш усулини жорий этиш заруратини келтириб чиқаради. Бу муаммо суғурта ташкилотлари учун бирмунча мураккаб кечади. Мазкур мураккаблик полисларни бошқариш, суғурта ходисаси юз берганлигини текшириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш юзасидан қайта суғурталанганларга суғурта копламасининг тўланишида намоён бўлади;

- *иккинчидан*, мижоз то қайта суғурта хизматидан фойдалангунига қадар суғурта ташкилоти ва унинг имкониятлари даражаси тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўлиши муҳимдир. Бу ҳолат, ўз навбатида, мазкур хизматни таклиф қилиш ҳамда уни кўрсатиш жараёнларида суғуртачидан қатор тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Қайта суғурта хизматидан фойдаланишда суғурта ташкилотининг кафолати қандайлиги мижоз учун яратилган имконият даражаси билан қлчанади.

Бизнинг фикримизча, бу борада қайта суғуртада риск трансфери жараёнида қўлланиладиган баъзи бир терминларга аниқликлар киритилиши талаб этилади. Мижоз томонидан қайта суғурта хизматининг сотиб олинishi, унинг «полис»га имзо чекишидан бошланади. Бу ҳолат мижоз қайта суғурта хизматининг ташкиллашган тузилмасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлганлигини англатади.

Қайта суғуртадан фарқли равишда хизмат кўрсатувчи корхоналарда «ишлаб чиқариш» ва «истеъмол» тушунчалари ўзаро мос келади. Қайта суғурта фаолиятида эса, хизматни «ишлаб чиқариш» концепцияси кенг маънода қўлланилади, унда «истеъмол» мижоз томонидан бирон-бир аниқ мулкка эгалик қилишини англатмайди. Ҳақиқатда, мижоз полисни сотиб

олиши биланоқ суғурта хизматидан фойдаланиши нисбийдир. Бунда юз бериши эҳтимол бўлган риск бўйича жавобгарлик «*мижоздан III суғуртачига*» ўтказилганлиги кузатилади.

Кўрилиши эҳтимол бўлган риск бўйича жавобгарлик полисга эгалик бошланган даврдан то бу муддат тугагунга қадар, яъни шартноманинг амал қилиш жараёнида суғуртачининг суғурта қопламасини таъминлаш борасидаги иқтисодий имконияти қандайлиги билан белгиланади.

Мижоз суғуртачи билан ўзаро келишув шартларига мувофиқ аниқ бир суғурта тури бўйича қайта суғурта хизматини сотиб олиши вақтидан то суғурта ходисаси юз бергунга қадар, шартномада қайд этилган талаб қандай бажарилишини олдиндан аниқ била олмайди. Бу хизмат даражасини ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини аниқлаш каби анъанавий қлчамлар орқали билиб бўлмайди.

Эҳтимолликка кўра, қайта суғурта суғурта ходисаси юз берган тақдирда, суғурталанувчи шартномада белгиланган мажбурият бажарилишида суғурта ташкилоти томонидан камчиликларга йўл қўйилса ёхуд кўрсатилаётган хизматдан қониқиш ҳосил қилмаса, у бошқа шундай муқобил хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлмайди. Бу ҳолат, яъни суғуртачини олдиндан синаб кўриш имконияти мавжуд эмаслиги, албатта мијознинг қайта суғуртага бўлган ишончини пасайтиради.

Суғурталанувчининг рискни ўз зиммасига олмоқчи бўлган суғурта ташкилоти томонидан кўрсатилаётган қайта суғурта хизмат сифати ва мажбуриятлари бажарилиши даражаси, унинг молиявий имкониятларини билиши суғурта хизматини кўрсатувчи субъектни тўғри танлаш имкониятини юзага келтиради. Жисмоний шахслар томонидан ҳам бундай маълумотлар ўрганиб чиқилиши аҳамиятлидир.

Қайта суғурта қилиш операциялари нисбий ва нонисбий шаклда амалга оширилади. Нонисбий қайта суғурта қилишга нисбатан нисбий қайта суғурталаш анча илгари пайдо бўлган. Шу нуқтаи назардан қараганда нисбий қайта

суғурталашни, баъзан, анъанавий қайта суғурталаш деб ҳам аташ қабул қилинган.

Нисбий қайта суғурта қилишнинг асосий моҳияти шундаки, қайта суғурталовчи компаниянинг рискни тақсимлашдаги улуши суғурта компанияси аниқлаган нисбат асосида, олдиндан аниқланади. Ушбу нисбатга қараб, қайта суғурталаш мукофотининг ва суғурта компаниясининг тегишли улуши аниқланади. Нисбий қайта суғурта қилишнинг принципи "қайта суғурталовчи цедентнинг рискни бўлади" деган маънодан иборат.

Суғурта иши амалиётида нисбий қайта суғурталашнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- * Квотали қайта суғурта қилиш;
- * Эксцедент қайта суғурта қилиш;
- * Квотали-эксцедент қайта суғурта қилиш.

Нонисбий қайта суғурта қилишда қайта суғурталовчининг суғурта мукофоти ва қопламасидаги фоизлардаги иштироки принципи қўлланилмайди. Нисбий қайта суғурта қилишда томонларнинг манфаати бир-бирига мос келади.

Қайта суғурта қилиш шартномасига хос бўлган белгилардан бири қайта суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотларини қайтариб олиш характериға эға эканлиғидир. Қайта суғурта қилиш муносабатларининг узоқ йиллик ривожланиши жараёни давомида халқаро ва миллий даражаларда фойдаланиладиган қайта суғурта қилиш шартномаларининг бир неча хиллари шаклланган. Улар қуйидагилардир:

- * факультатив қайта суғурта қилиш;
- * облигаторли қайта суғурта қилиш;
- * факультатив-облигаторли қайта суғурта қилиш;

Юқорида қайд қилинган қайта суғурта қилиш шартномаларидан энг оммавийси ва узоқ йиллардан бери қўлланиб келинаётгани факультатив қайта суғурта қилиш шартномаларидир. Мазкур шартноманинг ижобий томони, рискни қайта суғуртаға берувчи - суғурта компанияси ҳам, қайта суғурталовчи компания ҳам қанча миқдордаги рискни ўзига олиб қолиш ёки

қабул қилиш масалаларини мустақил хал қиладилар. Ақсинча, облигаторли қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта компанияси қабул қилиб олинган ҳар бир рискнинг тегишли қисмини қайта суғурта компаниясига бериши шарт.

1.3. Қайта суғурта хизматларини мијознинг талабига кўра омиллар билан таъминланганлигининг тавсифи

Суғурта хизматини ишлаб чиқариш билан таққослаб ўрганиш орқали улар ўртасидаги тафовутни англаб олиш мумкин. Ишлаб чиқариш босқичлари қуйидагича таснифланади: *«моддий-техник таъминот - ишлаб чиқариш жараёни - сотиш»*. Одатда «оддий» ишлаб чиқаришда омиллар сотиб олиниб, қайта ишланиб, товарга айлантирилиб, сўнгра сотувга чиқарилади. Бу тасниф қайта суғуртага мос тушмайди ва бундай кетма-кетлик унинг учун характерли эмас.

Худди бошқа ишлаб чиқарувчи субъектлар сингари суғурта ташкилоти ҳам ишлаб чиқариш омилларини харид қилса-да, унда хизмат кўрсатишнинг даврий кетма-кетлиги фарқлидир. Қайта суғурта хизмати мијознинг талабига кўра, уни омиллар билан таъминлашдан бошланади. Бу омиллар, албатта ўзида рискни намоён этади. Агарда *риск омили мавжуд бўлмаса, суғурта фаолияти учун талаб юзага келмайди*.


Мијозни қайта суғурта омиллари билан таъминлаш бир вақтнинг ўзида суғурта ташкилоти рискни ўз зиммасига олганлигини ва айнаи вақтда, қайта суғурта хизмати сотилганлигини ҳам англатади. Шундан келиб чиқиб, қайта суғурта хизматини сотиш ишлаб чиқариш(хизмат кўрсатиш)дан олдин келади.

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда қайта суғурта *бир томондан*, айнан рискдан ҳимоя воситаси ҳисобланса, *иккинчи томондан*, у

тадбиркорлик фаолияти ҳамдир. Кейинги йилларда қайта суғурта мамлакатимизда ҳам тадбиркорлик фаолиятида муҳим ўрин эгалламоқда.

Шу нуқтаи назардан, бизнинг фикримизча, *суғурта фаолиятини унинг функционал моҳияти билан узвий боғлиқ бўлган хизматларни ташкил этиш ҳамда уларни кўрсатиш* (унинг мулкӣ шакли, бошқарув тизими ва бошқа иқтисодий омиллар билан ўзаро боғлиқ бўлган) *саъй-ҳаракатлар мажмуаси деб таъкидлаш мумкин*. Мазкур фаолиятнинг асосий мақсади иқтисодиёт субъектининг талабига кўра, уни суғурта рискларидан ҳимоясини таъминлашга қаратилгандир.

Айнан шу мақсадни амалга ошириш учун суғуртачи томонидан суғурталанувчидан суғурта мукофотлари ундириб олинади. Бу ундирилган мукофотлар ҳисобидан, ўз миждози бўлган субъектнинг, эҳтимолликка кўра, зарар кўришининг олдини олиш, ундан огоҳ этиш, суғурта ёки қайта суғурта ходисаси юз берган тақдирда, унинг оқибатларини тугатиш учун мақсадли суғурта захирасини (4-чизма) шакллантиради. Суғуртачининг суғурта захирасини шакллантириш жараёни қайта тақсимлаш муносабатлари сифатида намоён бўлади.



4-чизма. Суғурта захирасини шакллантириш ва суғурта қопламасини амалга ошириш жараёнлари

«Қабул қилинган суғурта мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун суғурталовчилар ҳам скмда, ҳам чет эл валютасида тўланган суғурта мукофотларидан махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда суғурта захираларини шакллантирадилар ҳамда жойлаштирадилар.

Суғурталовчининг суғурта захираларига мос келувчи активлари олиб қўйилиши мумкин эмас»¹⁰.

«Қабул қилинган суғурта мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун суғурталовчилар ҳам скмда, ҳам чет эл валютасида тўланган суғурта мукофотларидан махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда суғурта захираларини шакллантирадилар ҳамда жойлаштирадилар.

Қайта суғурталовчининг суғурта захираларига мос келувчи активлари олиб қўйилиши мумкин эмас»¹¹.

Суғурта захираси - жисмоний ва юридик шахсларнинг суғурта муносабатига киришлари, яъни суғурта мукофотларини тўлашлари ҳисобига шаклланади. Ушбу захирани шакллантириш ҳар бир суғурталанувчи томонидан суғурта мукофотлари ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши эвазига юз беради. *Захира* маблағлари фақат мақсадли сарфланади ҳамда унинг ресурслари ҳажми суғурта ташкилоти томонидан статистик, эконометрик андозаларга ва эҳтимоллик назариясига асосланиб аниқланади ҳамда шакллантирилади. Шунингдек, суғурта захираси маблағларидан самарали фойдалана билиш суғурта фаолияти натижаси қандай бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Суғурта ҳодисаси юз бериши оқибатида кўрилган зарарлар суғурта захирасини шакллантирган субъектлар ўртасида ўзаро тақсимланади, яъни маблағларнинг қайта тақсимланиши амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида,

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 21-модда.

¹¹ Ўша манбадан, 21-модда.

суғурталанувчиларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) имкониятларини кенгайтиради.

Амалиётда суғурта захираларини шакллантириш орқали рисклардан ҳимоялашнинг оптимал даражадаги шакли ишлаб чиқилган. Суғурта захирасини самарали бошқариш суғурта ташкилотининг талаб даражасидаги моддий-молиявий ва инсоний захираларга эга бўлишини таъминлайди. Бу жараёнда, *бир томондан*, суғурта хизматининг талаб даражасида амалга оширилиши кафолатланса, *иккинчи томондан*, мижозларнинг суғурта хизматига бўлган ишончи ортади. Суғурта ташкилоти молиявий барқарорлигини таъминлашнинг асосий омили сифатида суғурта захирасини шакллантириш муаммоси мамлакатимиз суғурта назариясида етарли ўрганилмаган жабҳадир.

Суғуртачи субъектнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан (одатда уларнинг маблағлари тўлиқ ўз ихтиёрида бўлади) фарқли жиҳати шундаки, суғуртачининг маблағлари:

- суғурта захираси;
- унинг ўз маблағларидан ташкил топгандир.

Ўз маблағлари тақсимотини қандай олиб бориш субъектнинг хоҳишига кўра амалга оширилса, захирадан фойдаланиш имконияти қатъий белгилаб қўйилган.

Суғуртачи захира маблағлари ҳисобидан:

- суғурта қопламасини тўлаши;
- қайта суғурта шартномасининг амал қилиш даври тугаши вақтида унинг бир қисмини, шартнома шартларига биноан, ўз маблағлари таркибига ўтказиши мумкин.

Бундай шаклда олинган даромаднинг ҳажми ҳар бир шартнома бўйича қоплама тўланганлиги ва бошқа қатор сабабларга боғлиқдир. Қайта суғурта қопламаси тўлови ҳолати юз берадими ёки йўқми бу номаълум бўлсада, суғурталанувчи манфаатининг ҳимояси таъминланган бўлади.

Шундай ҳимоя ҳисобига суғурта ташкилоти суғурталанувчидан мукофот ундириб олади ва албатта, бу ундирилган сумма унинг ўз маблағи ҳисобланади.

Энди, ўз маблағларининг бир қисмига нисбатан суғуртачининг эркин тақсимлаш ҳуқуқи чекланганлигига келсак, бу бошқа шахслар манфаатлари шуни талаб этганлигидан келиб чиқади¹².

Қайта суғуртачи асосан суғурта мукофотлари ва инвестиция фаолиятдан даромад олади. Айрим ҳолларда бошқа суғуртачи учун суғурта брокери вазифасини бажариши ҳисобига комиссиян йиғимларни ундириши ҳам мумкин. Аммо, бу манба унча катта бўлмаганлиги учун суғуртачи даромадида аҳамиятли ўрин тутмайди.

Демак, суғуртачи даромадларининг бир қисмини захира учун сақлайди, бошқа қисмидан эса, ўз хоҳишига кўра фойдаланади. Захира бир неча турда бўлиши мумкин, унинг ҳажми махсус ваколатли Давлат органи томонидан белгиланади. Даромаднинг захирага ажратилган қисми солиқ солиш базасидан чиқарилади. Мазкур маблағдан суғуртачига фақат махсус ваколатли Давлат органи томонидан белгиланган қоида асосида фойдаланишга рухсат берилади.

Суғурта захирасининг турлари:

- *ўз белгиланган муддатига кўра, суғурта хизматини кўрсатиш учун олинган суғурта мукофотлари - захира сифатида.* Шартнома шартлари бўйича у суғуртачи ҳисобига ўтказилган бўлсада, унга мувофиқ равишдаги хизмат ҳали кўрсатилмаган бўлиб, бу сумманинг бир қисми «ҳали ишлаб топилмаган» ҳисобланади. Суғурта мукофоти «ишлаб топилгани»дан сқнг, унинг бир қисми огоҳ этиш захирасига ўтказилади, улар белгиланган тартибда даромад(фойда) солиғига тортилади.

¹² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 1994, XII боб, 54-модда, 33-бет.

- *зарарларни қоплаш захиралари.* Унинг ҳажми потенциал тўловлар ҳамда 3 фоиз атрофидаги тадбирларни олиб бориш учун ажратилган харажатлар суммасидан иборат бўлади. Суғурта ҳолатига кўра, суғурталанувчининг аризасига биноан, суғуртачи захирадан қоплама суммасини тўлаш учун тайёрлайди, аммо кўрилган зарар сабабларини аниқлаштириш натижасида суғурталанувчининг айби билан суғурта ҳодисаси юз берган бўлса, қоплама тўланмаслиги ҳам мумкин.

- *огоҳ этувчи тадбирлар учун заҳира.* Бу заҳира мақсадли бўлиб, уни харажат қилиш махсус ваколатли Давлат органи томонидан ишлаб чиқилган низомга кўра амалга оширилади. Мазкур тадбирлар суғурталанувчи билан келишилган ҳолда олиб борилади. Бу тадбир суғурталанувчи томонидан бажарилади, суғуртачи эса уни молиялаштиради холос.

Захираларнинг яна бошқа турлари ҳам мавжуддир. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, суғурта ташкилоти томонидан суғурталаш, ўзаро суғурталаш ва қайта суғурталаш операцияларини амалга оширишда, бошқа иқтисодий фаолиятдан фарқли равишда, суғурта хизмати ўзига хосликка эгадир¹³.

Ҳар бир шартнома бўйича суғурта хизмати таннаrxини аниқлаш имконияти чекланган. Негаки, суғурта ташкилоти ўз фаолиятининг молиявий натижаларини ҳар бир шартномага кўра эмас, балки жами суғурта турлари бўйича амалда бўлган барча шартномаларнинг умумий суммасига асосланиб аниқлайди.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчиликка биноан, суғурта ташкилотлари томонидан бир вақтнинг ўзида ҳаёт суғуртаси ва умумий суғуртани амалга оширишлари, худди халқаро амалиётда бўлгани каби, ман этилган¹⁴. Суғурта шартномаси шартларида қайд этилган суғурта ҳодисаси

¹³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 914, 929, 930, 939, 941, 959, 960-моддалар. Т.: Адолат, 1996. 408-433 б.

¹⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 15-модда.

юз бериши оқибатида кўрилган зарар қопланиши шарт. Бунинг учун суғурта ташкилоти мақсадли захира маблағларидан фойдаланади.

Юқорида баён этилган суғуртанинг назарий-услубий асосларидан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш лозимки, суғуртачининг асосий мақсади айнан захира маблағларидан самарали фойдаланиши орқали даромад олишга қаратилгандир.

II-БОБ. ҚАЙТА СУҒУРТАЛАШНИ ОПТИМАЛ ДАРАЖАСИНИ БЕЛГИЛАШ ОМИЛЛАРИ ВА ЙЎҚОТИШЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ

2.1. Қайта суғурталашда оптимал улуш даражасини белгилаш тартиби

Ҳар бир суғурта ташкилоти учун унинг суғурта портфелининг ривожланишини режалаштиришда энг муҳими – қайта суғурталашга қадар қандай ҳажмдаги жавобгарликни ўзида сақлаб қолишни ҳал этиш ҳисобланади. Жавобгарликнинг ушбу ҳажми (ўзида сақлаб қолинадиган) деб номланади.

Ўзида сақлаб қолинадиган улушини аниқлаш мақсадлари:

- суғурта даъволари ҳажмида тебранишларни камайтириш ва бу орқали йиллик кўрсаткичларини барқарорлаштириш;
- бир суғурта ҳодисаси бўйича зарарларнинг тўпланишига қарши турувчи восита сифатидаги кичик/ўрта зарарларнинг тебранишларидан ҳимояланиш;
- статистик ҳисоб-китоблар асосида кутилаётган ва реал суғурта даъволари ҳажми ўртасидаги фарқлар натижасида вужудга келадиган даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарқларни бартараф этиш;
- компанияни ва унинг активларини ҳимоялаш.

Ҳар бир рисклар портфели нобарқарор даврийликдаги катта ва кичик зарарларни ўзида акс эттиради. Бир йил давомидаги барча йўқотишларнинг ҳажми йиллик жавобгарлик ёки шунчаки жавобгарлик сифатида қабул қилинади. Келажакдаги йиллик жавобгарлик, даъволарнинг башорат қилинган частотаси ва даъволарнинг ўртача индивидуал ҳажми асосида белгиланади, лекин амалиётда одатда прогноз қилинган кўрсаткичлардан тасодифий равишда етарли даражадаги оғишишлар кузатилади. Зарарларнинг ҳақиқий ҳажми кутилган зарарлар ҳажмидан катта фарқ

қилган тақдирда, рисклар портфели тебранишларга мойил деб қабул қилинади.

Даъволар устунлар сифатида кўрсатилган бўлиб, пастдан тепага ўсиб бориш тартиби асосида жойлаштирилган. Бундай ифодаланиш даъволарнинг тақсимланиши деб аталади. Таъкидлаш лозимки, даъволар ҳажмини умумий ҳажмга нисбатан фоизларда, 0 дан 100 гача бўлган шкалада жойлаштириш ифоданинг яққол кўринишини таъминлайди.

Устунлар шакллангандан сўнг, уларнинг ўзаро мувозанати чапдаги чегарага нисбатан s нинг қиймати ҳам шунча ортиб боради. Барча даъволар ҳажми бир хил бўлган тақдирда, s даъволар ҳажмининг ярмига тенг бўлади, чунки $2 * s$, яъни s нинг иккига кўпайтирилгани қийматидан фойдаланамиз, бунда даъволарнинг тақсимланиши тенг бўлиб, даъволарнинг кутилган сони ва ўртача ҳажмига мувофиқ бўлади. Бунда учта катталиқнинг ўзаро кўпайтмаси зарар оғирлигининг фарқи қийматини беради:

$$(\text{Зарар оғирлигининг фарқи}) = (\text{даъволарнинг кутилган сони}) * (\text{алоҳида даъволарнинг кутилган сони}) * 2 * s$$

Ҳаёт суғуртаси билан боғлиқ бўлмаган суғурта соҳаларида қўлланиладиган энг аниқ тенгламалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

Z – зарар оғирлиги

$V(Z)$ – зарар оғирлигининг фарқи

λ – кутилаётган даъволар сони

E – кутилаётган алоҳида даъволар ҳажми

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги тенглама шакллантирилади:

$$(1) V(Z) = \lambda * E * 2 * s$$

Маълумки зарарлар фарқи, кутилаётган даъволар ҳажми, алоҳида даъволар ҳажми катта бўлганда ва даъволар ўртасидаги фарқлар катта бўлганда катта бўлади. Зарарлар оғирлиги фарқининг асосий хусусияти қуйидагилардан иборат:

Иккита кичик портфелни ягона катта портфелга бирлаштиришда, катта портфелнинг зарарлар оғирлиги фарқи иккита кичик портфелларнинг фарқи йиғиндисига тенг бўлади. Буни қуйидаги мисол асосида ҳам кўриш мумкин.

Иккита А ва В портфелларни кўриб чиқамиз. А портфелда йилига ўртача 6 та даъво бўлиб, уларнинг ҳар бирининг ҳажми 2 га тенг. В портфелда ўртача йилига битта даъво бўлиб, унинг ҳажми 16 га тенг. Кутилаётган даъволар ҳажми ва ўртача даъволар ҳажмини аниқлаймиз. Даъволар ҳажмини s десак, ушбу қийматда даъволарнинг тақсимланиши мувозанатлашади. Юқоридаги устуннинг мувозанат чизиғи 16 га тенг бўлган зарарнинг ҳажми оғирлигини ва иккинчи мувозанат чизиғи 6 та 2 зарар ҳажмига эга бўлган даъволарнинг оғирлигини ифодалайди. Ушбу икки оғирлик, 16 га тенг оғирлик мувозанати чизиғидан 3 ва иккинчи мувозанат чизиғидан 4 birlik масофада ўзаро мувозанатга эришади. 1-жадвал шуни кўрсатмоқдаки, бирлаштирилган портфелнинг зарар оғирлиги фарқи алоҳида портфеллар фарқининг йиғиндисига тенг бўлади ($24+256=280$).

1-жадвал

	А портфел	Б портфел	Бирлаштирилган портфел
Даъволарнинг кутилган ҳажми	6	1	$6+1=7$
Зарарнинг кутилган оғирлиги	12	16	$12+16=28$
Алоҳида даъволарнинг кутилган ҳажми	2	16	$28/7=4$
S	1	8	5
Зарар оғирлигининг фарқи	$6*2*2*1=24$	$1*16*2*8=256$	$7*4*2*5=280$

Шунга эътибор қаратиш лозимки, фарқларни аниқлашда даъволарнинг ҳажми Пуассон тақсимооти асосида тақсимланиши қабул қилинган эди.

2.2. Катта капитални йўқотиш эҳтимоллигини суғурталаш

Фарқ, зарарларнинг оғирлигини кутилаётган зарарлар ҳажмига нисбатан катта ҳажмда оғишиш эҳтимоллигини баҳолашда ёрдам беради. Бунинг учун эҳтимоллар назариясида маълум бўлган Чебишев нотенглигидан фойдаланиш мумкин:

Четланишнинг маълум қийматдан катта бўлиш эҳтимоллиги – фарқнинг ушбу четланиш квадратига нисбатан катта бўлмайди.

Навбатдаги мисол ушбу нисбатни ифодалайди. Қуйида Швейцарияда автофуқаролик жавобгарлигини суғурталашда мавжуд бўлган катталиклар келтирилган (ўлчов бирлиги – евро) (2-жадвал).

2-жадвал

Кутилаётган даъволар сони	1000
Алоҳида даъволарнинг ўртачаси	4000
Алоҳида даъволарнинг хилма-хиллиги	$1.02 \cdot 10^9$
Зарарнинг кутилаётган оғирлиги	$4 \cdot 10^6$
Зарар оғирлигининг фарқи	$1000 \cdot (4000 \cdot 4000 + 1.02 \cdot 10^9) = 1.036 \cdot 10^{12}$
Капитал	5000000

Чебишевнинг нотенглигига мувофиқ зарар оғирлиги унинг ўртача ҳажмидан (4000000) 5000000 га ортиб кетиш эҳтимоллиги кўпа билан $1.036 \cdot 10^{12} / 5000000^2 = 4,1\%$ дир.

Ушбу баҳолашнинг хусусияти шундаки, биз даъволарнинг тақсимланиши тўғрисида маълумотга эга бўлишимиз шарт эмас. Даъволарнинг ўртачаси ва фарқни билиш етарлидир.

Умуман олганда иқтисодий-ижтимоий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қайта суғурталаш суғурталаш учун риск қабул қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими (рискларни бирламчи жойлаштириш) дир.

Суғурталовчи мувозанатлашган суғурта портфелини яратиш ва суғурта операцияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилиб олинган рискни бир қисмини ўзаро келишилган ҳолда бошқа суғурталовчига бериши (рискни иккиламчи жойлаштириш) лозим. Қайта суғурталаш операцияларини асосан, ихтисослашган қайта суғурталаш компаниялари амалга оширади. Қайта суғурталаш актив (рискни бериш) ва пассив (рискни қабул қилиб олиш) кўринишида, нисбий ва нонисбий шаклда бўлади.

Айрим ҳолатларда қайта суғурталаш операцияларини амалга оширувчи брокер иккита томон, яъни суғурта компанияси ва қайта суғурталовчининг компанияси ўртасидаги воситачидир.

Қайта суғурта қилиш шартномалари бир томондан, суғурта компаниялари ўртасида ўзаро тузилиши ёки иккинчи томондан, суғурта компанияси ва ихтисослашган қайта суғурта қилиш компанияси ўртасида тузилиши мумкин. Ўзбекистан Республикаси Фуқаролик кодексининг 354 - моддасида "икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади" - деб кўрсатилган. Дастлаб, суғурта компанияси ўзининг молиявий қобилиятини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилиб олинган рискни бир қисмини бошқа суғурта компаниясида ёки ихтисослашган қайта суғурта қилиш компаниясида суғурталаш тўғрисида қарор қабул қилади. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида суғурталовчи ихтисослашган суғурта компаниясига мурожаат қилади. Агар қайта суғурталовчи компания рискни қайта суғурта қилишга розилик билдирса, улар ўртасида қайта суғурталаш шартномаси тузилади. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, шартнома шартларида, унда иштирок этувчи томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, олинган мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан жавобгарлик, шартномани кучга кириши, амал қилиш ва бекор этилиши қоидалари мужассам бўлиши керак. Шунингдек,

шартномада қайта суғурталаш мукофоти миқдори ва жавобгарлик ҳажми кўрсатилиши зарур. Ўзбекистан Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, қайта суғурта қилишда суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш учун асосий суғурта шартномаси бўйича суғурталанувчи олдида ушбу шартномага кўра суғурта компанияси жавобгар бўлиб қолаверади. Бироқ асосий суғурта шартномаси бўйича суғурталанувчи ҳисобланган суғурта ташкилоти суғурта ҳодисаси юз беришидан олдин тугатилган тақдирда, унинг ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларининг қайта суғурта қилинган қисми қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчига ўтади.

Қайта суғурта қилиш шартномалари бир қатор ўзига хос белгиларга эга бўлиб, савдо ва бошқа турдаги шартномалардан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам қайта суғурта қилиш соҳасини назарий жиҳатдан қайси суғурта тармоғига киритиш ёхуд уни мустақил суғурта соҳаси сифатида қараш анча баҳс-мунозарани талаб қилади.

Агар суғурта ҳодисаси рўй берса, бу ҳақда суғурта компанияси қайта суғурталовчи компанияга дарҳол хабар қилиши керак. Ўз навбатида, қайта суғурталовчи компания шартномада кўзда тутилган қопламани тўлаши шарт. Қайта суғурта қилиш компанияси шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлатқис бажарса, у ҳолда шартнома ижро этилган ҳисобланади.

Цедент рискни иккиламчи жойлаштиришни амалга оширувчи, яъни рискни қайта суғурталаш учун берувчи суғурта компаниясидир. Иккиламчи цедент ретроцедент деб аталади. Қайта суғурталашда цессия атамаси ҳам кенг қўлланилади. Цессия суғурта рискин қайта суғурталашга бериш жараёнидир.

Қайта суғурталашнинг факультатив, облигатор ва факультатив-облигаторли қайта суғурталаш каби турларини учратиш мумкин. Факультатив қайта суғурталаш - нисбий қайта суғурталаш шартномасининг бир тури. Факультатив қайта суғурталашда ҳар бир берилаётган риск бўйича алоҳида шартнома тузилади. Цедент ҳар бир риск бўйича қайта суғурталаш зарур ёки зарур эмаслик масаласини

мустақил кўриб чиқади. Ўз навбатида, қайта суғурталовчи ҳам цедентнинг таклифини қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги мумкин.

Облигаторли қайта суғурталаш халқаро амалиётда икки хил маънони билдиради:

1) қайта суғурталашнинг мажбурий шакли. Айрим мамлакатлар қонунчилигига кўра, ушбу мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча суғурта компаниялари қабул қилган рискларининг бир қисмини мажбурий равишда қайта суғурталаш компаниясига беради. Бу чора қайта суғурталаш орқали чет элга валюта чиқиб кетишининг олдини олади;

2) суғурта компанияси (цедент) маълум бир суғурта тури бўйича рискни қайта суғурталовчига беришини ва ўз навбатида, қайта суғурталовчи, рискни қабул қилишни назарда тутувчи қайта суғурталаш шартномаси. Факультатив-облигатор шартномаси - цедент қайта суғурталовчи билан келишган тоифадаги ҳар қандай суғурта рискинни бериши, қайта суғурталовчи эса уларни қабул қилиши шарт эканлиги ҳақидаги қайта суғурталаш шартномаси.

2.3. Қайта суғурталаш ёрдамида зарарни камайтириш

Қайта суғурталашнинг биринчи мақсади зарар оғирлигининг тебранишини олдини олишдир. Фарқ – ушбу тебранишларни ўлчаш мезони ҳисобланади. Ушбу параграфда қайта суғурталашнинг бирламчи суғурталовчининг фарқини қай даражада камайтиришни кўриб чиқамиз.

Ўзида сақлаб қолинаниган улушнинг масалан 40% миқдорида белгиланиши даъвонинг суғурталовчи ва қайта суғурталовчи ўртасида 40:60 нисбатда тақсимланишини аңгалатади. Даъволарнинг 40%га камайтирилиши мувофиқ равишда ўртача даъводаги улушининг ҳажми 40 %ни ташкил этади. Бунда q зарарлар эксцеденти бўйича ўртача даъвога E нисбатан белгиланади ва бунда s нинг 40%и миқдорида мувозанатлашиши лозим. Қайта суғурталаш квотаси улуши даъволар сонини ўзгартирмайди. Шу сабабли аввалги

параграфда таъкидланганидек ўзида сақлаб қолинган зарар оғирлиги фарқи қуйидагича ҳисобланади:

Ўзида сақлаб қолинган улушдаги оғирликнинг фарқи = (кутилаётган даъволар сони) * (алоҳида даъволарнинг кутилаётган ҳажми) * 2 * s * 40%

Юқорида келтирилган тенглама улушнинг квотаси q 40 % билан алмаштирилиши мумкин. Ўзида сақлаб қолинган улушдаги оғирликни Zr деб белгилаб олиб, ўзида сақлаб қолинган улушдаги оғирликнинг фарқини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$(4) V(Zr) = \lambda * E * q * 2 * s * q$$

$E^2 * s$ ни $E^2 + V$ га алмаштириб (2) тенглама асосида қуйидагига эга бўламиз:

$$(5) V(Zr) = \lambda * (E^2 + V) * q^2$$

Зарар эксцеденти асосида қайта суғурталанган франшизанинг d мавжудлиги бирламчи суғурталовчининг фарқини янада камайтиради. Ҳар бир даъво d суммасига камаяди. Бирламчи суғурталовчи учун даъвонинг ўртача ҳажми ҳам E дан E_r гача камайтирилган. Камайтирилган даъволар бўйича мувозанатлаштирувчи масофани sr топсак, ушбу sr нинг s ва E_r даражасидан кичик эканлигини кўришимиз мумкин. Бунда қуйидаги ифодани улушнинг фарқига қўллаш мумкин бўлади:

Ўзида сақлаб қолинган улушдаги оғирликнинг фарқи = кутилаётган даъволар сони * ўзида сақлаб қолинган улушдаги алоҳида даъволарнинг кутилаётган сони * 2 * s

Ёки қуйидаги тенглама асосида:

$$(6) V(Z_r) = \lambda * E_r * 2 * sr$$

(2) ифодадаги каби $E_r * 2 * sr$ ни $E^2 + V_r$ билан алмаштирсак (6) ифода қуйидаги кўринишга келади

$$(7) V(Z_r) = \lambda * (E^2 + V_r)$$

Агар бирламчи суғурталовчи зх портфелини зарарлар эксценти ва квотали қайта суғурталаш орқали ҳимоялаган бўлса, у ҳолда камайтирилган фарқ (5) ифодада $E_r * 2 * sr$ ни $E^2 + V_r$ га алмаштириш орқали аниқланади.

Бунда қуйидагига эга бўламиз:

$$(8) V(Z_r) = \lambda * (E^2 + V_r) * q^2$$

III БОБ. ҚАЙТА СУҒУРТАЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Фуқаролик мулкани қайта суғурталаш орқали уларни суғуртавий ҳимоялашни ривожлантириш

Бизга маълумки, мулк тушунчаси кенг ва кўп қиррали тушунча. Мулк объектларига ер, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунйси, оқар сувлар, иморатлар ва ишпоотлар, асбоб-ускуналар, моддий ва маданий едгорликлар ва бошқдлар киради.

Республикамизда мулкчилик муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги қонуни асосида тартибга солинади. Мулк юридик ва жисмоний шахслар эгалик қиладиган моддий неъматлардир. Мулкнинг мавжудлиги саноат, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг энг муҳим шартидир.

Ўзбекистон Республикасида амал қиладиган қонунчиликка мувофиқ мулк хусусий, давлат ва жамоат бирлашмалари ихтиерида бўлиши мумкин. Хусусий мулк таркибида фуқароларнинг шахсий мулки ҳам етади. Фуқаролар шахсий мулкига қўйидагилар кириши мумкин: ер участкалари, уй-жойлар, квартиралар, дала-ховлилар, гаражлар, рўзгор буюмлари, шахсий истеъмол предметлари, қишлоқ хўжалик ва бошқа уй ҳайвонлари, қимматли қоғозлар, жихозлар, бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа қонунчилик билан эгалик қилиш таъқиқланмаган буюмлар.

Фуқаролар мулкрий суғуртасининг мажбурий ҳамда ихтиерий турлари мавжуд бўлиб келган, бироқ 2001 йилнинг охирига келиб аҳоли мулкнинг мажбурий суғуртаси тўхтатилди. Бунинг сабабини уни ўзини деярли оқламагашши, суғурта ҳимояси ва суғурта масъулиятининг етарли бўлмаганлига, яъни мажбурий суғурта бўйича тўланган суғурта пуллари ва қопламаларининг суғурта ходисаси натижасида қўрилган зарарларни қоплаш учун етарли бўлмаганлигида ва бошқаларда деб кўрсатиш мумкин. Бугунги

кунда фуқароларнинг мулклари фақатгина ихтиерий тартибда суғурта қилинмоқда.

Фуқароларнинг реал даромадлари ортиши билан фуқаролар мулкининг таркиби узоқ муддат фойдаланиладиган қимматбаҳо предметлар ҳиссасининг ортиш томонига ўзгармоқда. Бу билан янги суғурта объектлари пайдо бўлмоқда. Фуқаролар мулкининг таркибини ўзгариши ва унинг миқдорини кўпайиши суғуртавий ҳимоялаш эҳтиёжини шакллантиради. Бу эса ушбу мулклар суғуртасини ривожланиши учун қулай шароит яратади.

Аҳоли мулкӣ суғуртасининг қайта суғурталаш турларйга уй мулкӣни, фуқароларга қарашли иморатларни, чорва молларини, аҳоли транспорт воситаларини ва бошқаларни суғурта қилиш кабилар киради.

Қайта суғуртанинг амалдаги шартлари фуқаролар мулкининг барча гуруҳларини камраб олмайди. Мулкларнинг бир қисми: уй жониворлари - итлар, мушуклар, кушлар, хайвонлар; пуллар; қўлёмалар; ҳужжатлар; фото суратлар ва бошқалар давлат суғуртасига олинмайди. Бироқ бу ва бошқа объектлар нодавлат суғурта ташкилотларини қизиқтириши мумкин.

Қайта суғурта объектларидаги ҳсклашлар икки омил билан асосланади:

- тегишли объектлар суғурта баҳосининг ноаниқлиги;
- мулкнинг (мисол учун, пуллар, қимматли қоғозлар ва б.) ҳақиқатда нобуд бўлганлигини,
- баъзида эса зарар миқдорини ҳаққоний аниқлаш имконияти йўқлиги.

Ўзбёкистан Республикасида уй мулки ихтиерий суғуртаси бўйича шартномалар Ўзбёкистон Республикаси фуқаролари, Ўзбёкистон Республикасида яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан тузилиши мумкин.

Қайта суғурта қилдирувчига ва у билан бирга яшаб, умумий хўжалик юритадиган оила аъзоларига қарашли бўлган, ушбу оиланинг маиший ҳамда маданий эҳтиежларини қондириш мақсадида шахсий хўжаликда

фойдаланишга мўлжалланган уй, кундалик ҳаёт ва истеъмол жихозлари (уй мулки) суғурта қилинади.

Ҳужжатлар, қимматли қоғозлар, қоғоз пуллар, қўлёзмалар, слайдлар, фотосуратлар, диний ибодат ашёлари (коллекциялардан ташқари), қушлар, паррандалар, мўйнали ҳайвонлар ва бошқа ҳайвонлар, мевати ва бошқа дов- дарахтлар (дарахт кўчалари ва уруғлар ҳам) учун уй мулки суғуртаси тадбик этилмайди.

Уй мулки умумий ва махсус шартнома бўйича қайта суғурталаниши мумкин.

Махсус шартнома бўйича суғурта қилинадиган нарсалардан ташқари умумий нархи белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробаридан ошмайдиган жами мулк, шунингдек квартирининг (турар-жой ва хусусий ёрдамчи хоналарнинг) пардоз қисмлари жихозлари, хусусий, давлат, жамоат фонда, ТХК уйлар (ва хусусий мулкка ўтказилган квартиралар; а шикастланиш ходисасидан умумий шартнома асосида суғуртага олинади.

Уй мулки гуруҳи ёки ана шу гуруҳларнинг қуйидаги айрим нарсалари махсус шартнома бўйича қайта суғурта қилинади:

Хонабоп қаттиқ мебель, хонабоп юмшоқ ва ярим юмшоқ мебель, дахлизбоп, холлибоп, йўлакбоп мебель, ошхонабоп мебель, буклама ва дала ховлибоп мебель.

Телевизорлар, видеомаинитафонлар, видеокамералар, шахсий компьютерлар, дисплейлар (мониторлар), электрон ўйин приставкалари, телерадиолар, магнитафонлар ва ҳоказо.

Совуткичлар, кир ювиш машиналари, чангюткичлар. Электр каминлари, электр печлар, кондиционерлар, уй-рўзғор электр машиналари.

Тикув ва тукув машиналари, ёзув машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари

Пианино, рояллар, арфалар, гижжаклар, виолечели, миллий асбоблар, гитаралар, электрон мусика асбоблари ва ҳоказо.

Фотоаппаратлар, фотообъективлар, фото ва кино анжомлари, кинофильмлар, бинокллар.

Деворий гиламлар, ерга ёзиладиган гиламлар, полослар, пойандозлар, чойшаблар ва ҳоказо.

Сервиз ва тугшамлар, атохида буюмлар, стол тузаш учун буюмлар ва ҳоказо.

Тасвирий ва декоратив-амалий санъат асарлари.

Расмлар ва репродукциялар, хайкаллар, хайкалчалар ва бошқалар.

Заргарлик буюмлари. Қимматбаҳо металлдан, қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо (рангли) тошлардан ясалган буюмлар шулар жумласидандир.

Шундай қилиб, ушбу суғурта объектларини қайта суғурталаш фуқароларни ҳимояланиши учун кенг имкониятлар яратиб беради.

Шаҳар жойларида фуқароларга қарашли иморатларни ихтиёрий равишда қайта суғурталаш бўйича яшаш тақиқланган ва омонат (авария) ҳолатидаги, путурдан кетган, бузиладиган ёки қаровсиз қолдирилган иморатлар ихтиёрий суғуртага олинмайди.

Шартнома тузилганда ихтиёрий равишда участкасидаги ҳамма иморатларни ёки уларни айримларини суғурталаш, агар бир неча хонадон истикомат килса, суғурталанувчига тегишли бўлган қисмини суғурталаш учун имконият берилади.

Иморатлар қайта суғуртаси бўйича энг кам суғурта пули амалдаги энг нам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорида белгиланади. 10 баробардан ортиқ бўлса, суғурта пулининг юқори миқдори чегараланмайди. Қайта суғурталаш учун тўланадиган тариф ставкалари 0,5 фоиздан 2 фоизгача белгиланиши мумкин.

Уч йил мобайнида кетма-кет иморатларни қайта суғурталаш шартномаларини тузган суғурталанувчига янги шартнома тузиш учун имтиёзли бир ой муддат берилади, бу даврда мулк бепул суғурталанган ҳисобланади.

Қишлоқ, жойларда амалга ошириладиган қайта суғурта шаҳар жойлардаги ихтиёрий суғуртадан кам фарқ қилади. Бу фарқлардан бири шундан иборатки, иморатлар, квартиралар ва хусусийлаштирилган уй-жойлар ихтиёрий суғурта бўйича суғурта пулининг минимал миқдори энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдорда белгиланади. Суғурта пулининг юқори миқдори чегараланмайди.

«Ўзагросуғурта» ДАСК бошқармасида суғурта бадали 0,5 фоиздан 1,5 фоизгача белгиланган.

Суғурта ходисаси содир бўлганда зарарларни қоплаш «Ўзагросуғурта» давлат акционерлик суғурта компанияси бўлими тузган далолатнома асосида аниқланади.

Қишлоқ аҳолиси фуқароларига қарашли чорва молларини қайта суғуртаси бўйича қўйлар, эчкилар 1 ёшдан, чўчқалар 6 ойликдан, шунингдек қора моллар 6 ойликдан, отлар, туялар 1 ёшдан суғурта қилиниши мумкин.

Суғурта тўловининг тарифи суғурта пулига нисбатан 6 фоиздан 12 фоизгача миқдорда белгиланади.

Соғлом чорва молия-хўжалик эҳтиёжлари учун сўйилганда суғурта қилдирувчи бу ҳақида суғурта компаниясига 5 кун мобайнида маълум қилади ва полис бекор қилиниб, компания шартнома тугагунча бўлган суғурта пулининг белгиланган миқдорида миждозга қайтаради.

Фуқаролар томорқаларидаги қишлоқ хўжалик экинлари ва кўп йиллик дов-дарахтларни қайта суғуртасининг объекти қуйидагилар ҳисобланади:

- картошка, сабзавот, полиз экинларининг (экин майдони) кўчатлари ва ҳоказолар; бир йиллик ва кўп йиллик дов-дарахт кўчатлари; томорқада устирилган усимликлар ва бошқа экинлар; Кўрсатилган объектлар эрта совуқ тушиши, совуқ уриши, жала, дўл, бўрон, довул, тошқин, қор ёғиши ва ўзга кишиларнинг ғайриқонуний хатта-ҳаракатлари натижасида нобуд бўлиш ходисасидан суғурта қилинади.

Қайта суғурталанадиган сумма (суғурта пули) миқдори суғурта килдирувчи билан суғурталовчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

3-жадвал

Суғурта тўловлари ставкаларининг миқдори

т/р	Экинларнинг номи	Суғурта тўловларининг ставкаси	Таваккалчиликни ошириш коэффициенти
1.	Картошка ва сабзавот экинлари	10	1 – 2,5
2.	Донли ва дуккакли дон экинлари	8	1 – 2,0
3.	Бир йиллик ва кўп йиллик экилган кўчатлар	7	1 – 1,5
4.	Кўп йиллик мевали резавор токзорлар ва дов-дарахтлар	6	1 – 1,5

Транспорт воситаларининг қайта суғуртаси ўзининг 4 хил объектига эга:

- Транспорт воситалари
- Ҳайдовчи ва йўловчилар
- Транспортга тегишли қўшимча ускуналар
- Асосий транспорт воситаси ёки прицепда ташилаётган юк (нодир ва кам учрайдиган қимматли мулклардан ташқари).

Транспорт воситасига эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган мототранспорт бўйича 16 ёш, бошқа транспорт воситалари бўйича 18 ёшга тўлган фуқаролар суғурталанувчи ҳисобланади.

Қайта суғурта суммасининг энг кам миқдори амалдаги энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баробари бўлиб, бунта юқори чегара қуйилмайди. Қўшимча ускуналар ёки юк миқдори транспорт воситаси билан биргаликда ёки

алоҳида энг кам иш ҳақининг 20 баробари миқдорида суғурта қилиниши мумкин.

Қайта суғурта шартномаси 1 йил муддатта тузилади. Суғурта тўлови 5 фоиздан 8 фоизгача белгиланади. Агар суғурталанувчи патент асосида йўловчиларга хизмат килса ёки шартнома асосида юк ташиш билан шуғулланса, бундай суғурталанувчилар учун суғурта тўлови 50 фоизгача оширилади.

Қўшимча ускуналар ва юк учун суғурта тўлови 3 фоизгача, йўловчиларни бахтсиз ходисаларидан суғурталаш учун ҳар бир суғурта тўлови 2 фоизгача оширилади.

Бахтсиз ходисалар бўйича ўриндиқлар сонига қараб ҳайдовчи ва ҳар бир йўловчига нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдорида суғурта килдириш мумкин.

3.2. Юридик шахслар мулкани қайта суғурталаш орқали уларни мулкӣ ҳимоясини кучайтириш йўллари

Корхона ва ташкилотларнинг мулки асосий ва айланма маблағларидан ташкил топади. Асосий фондлар - бу узоқ муддат фойдаланиладиган моддий қийматликлар йиғиндиси. Ишлаб чиқариш асосий фондларига бинолар, иншоотлар, машиналар, транспорт воситалари, инвентар ва ускуналар (маълум қийматдан юқорилари) киради. Ноишлаб чиқариш фондлари эса уйлар, маданий-маиший мақсаддаги объектлардан ташкил топади.

Айланма фондлар ишлаб чиқариш фондларининг бир қисмини ташкил қилиб, улардан бир ишлаб чиқариш циклида тўла фойдаланилади, ўзининг қийматини тўлалигича ишлаб чиқарилган маҳсулотга ўтказди. Уларга хом ашёлар, материаллар, ёкилги, товарлар ва бошқалар киради.

Мазкур суғуртанинг аҳамияти шундан иборатки, ҳар қандай корхона, ташкилот, бирлашма ва бошқа юридик шахсларнинг асосий ва айланма

фондлари ишлаб чиқариш, илмий-техник ва ижтимоий фаолиятининг зарурий базаси ҳисобланади. Шунинг учун, уларнинг суғуртавий ҳимоясини таъминлаш суғурта муносабатлари тизимида алоҳида аҳамиятга эга бўлиши зарур.

Асосий ва айланма фондларнинг суғуртаси ягона тамойиллардан келиб чиқади, лекин шу билан бирга, уларни қайта суғурталаш шартларининг хусусиятлари бу икки гуруҳ фондларнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги иштирокининг турличалиги билан асосланади.

Асосий фондлар корхона (ташкilot) балансида бошланғич қиймат бўйича акс эттирилади, яъни қуриш ёки эга бўлиш қийматида. Даврлар давомида асосий фондларни қайта баҳолаш амалга оширилиб, уларнинг ўша даврдаги қиймати аниқланади. Қайта баҳолашда асосий фонд элементларининг моддий ва маънавий эскириши ҳисобга олинади.

Асосий фондларнинг бошланғич қиймати барча қайта суғурта муносабатларига асос бўлиб хизмат қилади. Фойдаланиш жараёнида асосий фондлар ўз қийматини қисмма-қисм йўқотиб боради, яъни ейилади (амортизацияланади). Шундан келиб чиқиб, асосий фондларнинг ҳақиқий реал қиймати бошланғич қийматдан ҳисобланган эскиришни чиқариш билан ҳосил бўлади.

Айланма фондлар учун эскириш деган тушунча йўқ. Шунинг учун, зарарларни ҳақиқатда қоплаш масаласи айланма маблағларни тўла баланс, қийматида суғурталаш йўли билан ҳал қилинади. Худди шундай ҳолат асосий қисмини тайёр маҳсулотлар ташкил қилувчи муомала фондлари суғуртасида ҳамдир.

Шуни таъкидлаш керакки, қайта суғуртада асосий ва айланма фондлар тушунчаси баъзи коррективка билан қўлланилади. Иқтисодий мазмунига кўра асосий ва айланма фондларга турли ҳайвонлар ҳамда кўп йиллик дарахтлар ҳам киради. Қайта суғурта ишининг амалиётида эса, улар алоҳида суғурта турларига тегишлидир.

«Ўзагросуғурта» ДАСК томонидан амалга ошириладиган мулк суғуртаси шартларига кўра асосий шартнома бўйича корхоналарга тегишли бинолар, иншоотлар узатиш мосламалари, қувват берувчи, иш бажарувчи ва бошқа машиналар, ускуналар, транспорт воситалари, тугалланмаган капитал қурилиш объектлари, асбоб-ускуналар, тайёр маҳсулотлар, товарлар, хом ашёлар ва бошқа мол-мулклар суғурта қилиниши мумкин, аммо қишлоқ хўжалик хайвонлари, кўп йиллик дов-дарахтлар ва қишлоқ хўжалик экинлари бундан мустаснодир.

Қўшимча шартнома бўйича корхона томовидан ижара шартномаси асосида олинган барча мулклар (агар у ижарачи томонидан суғурта қилинмаган бўлса), шунингдек корхона томовидан, бошқа ташкилотлардан ва аҳолидан қайта ишлаш, тузатиш, кўчириш, баҳолаш, сақлаш учун олинган мулк суғурта қилиниши мумкин.

Муассаса билан мулкнинг маълум тури (транспорт воситалари, алоҳида иншоот, машиналар, бинолар, қурилмалар ва ҳоказо)ни тўлиқ баҳосида суғурта қилишга шартнома тузиш (танланма суғурта) мумкин, шунингдек бошқа муассасаларга, ташкилотларга ва фуқароларга берилган мулклар ҳамда тажриба ёки текшириш ишлариви ўтказиш, кўргазмада намойиш этиш учун махсус шартнома тузилган ҳолларда ҳам тўлиқ қийматда суғурта кидинади.

Ҳужжатлар, нақд пуллар, қимматли қоғозлар, шунингдек ишлатишга ярокли ёғочлар, ўрмон кесиш вақтидаги ва қуюв ишларидаги ёғочлар суғурта қилинмайди.

Тошқин, ўпирилиш, кучки ва бошқа табиий офатлар хавф солиб турган ҳудудда жойлашган қурилиш, иншоот ва бошқа мулклар, бу хил хавф тўғрисида қабул қилинган қоидага биноан тегишли идоралар томонидан (об-ҳавони кузатиш маҳкамаси ва ҳоказо) хавф мавжудлиги тасдиқловчи зарур ҳужжат (далолатнома, хулоса ва ҳоказо) тузилган ҳолларда суғурта қилинмайди.

Мулкни текшириш ва тажриба ўтказилаётган, кўргазмада намойиш этилаётган пайтда қайта суғурта қилиш, мулк (машиналар, ускуналар, кўргазма буюмлари) муассаса, музей кўргазмадаги доимий ўриндан тажриба ўтказиш ёки кўргазмада намойиш этиш мақсадида маълум жойга кўчириб ўтказиш учун ўраб жойлаштирилган вақтдан бошлаб бошланади ва вақтинчалик сақлаш, синаш (тажриба ўтказиш) ёки намойиш этиш ва қайта доимий жойига (Суғурта гувоҳномаси (полиси)да кўрсатилган ўрнига) жойлаштирилган пайтгача давом этади.

Мулклар (иш жараенида бўлган ов ва бошқа кемалар, ов анжомларидан ташқари) қуйидаги ходисалар натижасида зарарланиш ва нобуд бўлиш ҳолларидан суғурта қилинади: сув тошқини, ер ости сувларининг таъсири, ёнғин, бурон, довул, сел оқими, дул, мазкур ҳудуд учун хос бўлмаган совук (жазирама иссиқ), калин қор егиши, бир кеча-кундузда (суткада) хароратнинг кескин ўзгариши, ер ўпирилиш, қўшни хонадан сув ўтиши, кўмирнинг ўз-ўзидан ениб кетиши, табиий офат натижасида (ёнғин, бузилиш) электр қувватининг узилиб қолиши, яшин уриши ва ер қимирлаши, газ отилиб чиқиш, портлаш, қулфни бузиб қилинган ўғирлик, ёқиб кетиш.

Қорхонага тегишли мулк тўла қийматидай суғурта қилинганда қуйидаги миқдорда суғурталанган ҳисобланади (суғурта ходисаси рўй берган вақтда):

- бинолар, иншоотлар узатиш мосламалари, транспорт воситалари, машиналар; ускуналар ва бошқа асосий воситалар-балансдаги тўла қиймати миқдорида.

- қорхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган ёки сотиб олинган моддий-товар бойликлар ҳақиқий таннарни миқдорида (арзон баҳо ва тез эскирувчи нарсалар, шу жумладан, ов анжомлари-эскирганлик даражасиви ҳисобга олиб);

- кўргазма буюмлари, коллекциялар, муаллифлар ишлари, антиқа нарсалар ва ҳоказолар-суғурта қилдирувчи томонидан кўрсатилган ҳужжатлардаги нархи ёки эксперт баҳоси қиймати миқдорида;

- ишлаб чиқарилган (етиштирилган) қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳақиқий таннарни миқдорида:

- тугалланмаган капитал қурилиш объектлари - қурилиш ишлари учун қабул қилинган меъерлар ва баҳоларидан келиб чиқиб сарф қилинадиган моддий ва меҳнат харажатлари миқдорида;

- ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш босқичида бўлган маҳсулот суғурта қилиш пайтига қадар сарф қилинган хом ашё, матфеал ва меҳнат миқдорида.

Мулк ижара шартномасига кўра олинган иншоотлар, машиналар, транспорт воситалари ва бошқа мулклар мазкур мулклар тегишли бўлган корхонанинг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосидаги баланс баҳосидан келиб чиқиб суғурта қилинади.

Иш бажариш ва хизмат кўрсатиш учун бошқа ташкилотлар ва аҳолидан олинган мулклар уларни қабул қилиш ҳақидаги ҳужжатларда кўрсатилган қийматида (эскирганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда) суғурта қилинган ҳисобланади.

Асосий воситалар бўйича эскирганлик учун сийлов (скидка) миқдори халқ хўжалигининг асосий жамғармаларига доир амортизация ажратмалари (тўлиқ тиклаш қисмида) меъерлари асосида ҳисобланади.

Уч йил узликсиз ўз мулкини қайта суғурта қилдирган суғурта қилдирувчига янги шартнома тузиш учун бир ойлик имтиёзли муддат берилади. Шу имтиёзли муддатда тузилган шартнома аввалги шартноманинг муддати тугаши билан кучга киради.

Агар имтиёзли муддатда (янги шартнома тузилмасдан) суғурта ходисаси рўй берса, суғурта қопламаси аввалги шартномада кўрсатилган суғурта пули асосида тўланади, лекин суғурта тўлови ушлаб қолинмайди.

Қайта суғурта шартномаси суғурта қилдирувчининг мавжуд шакл бўйича битилган ёзма аризаси асосида икки нусхада тузилади.

Аризанинг биринчи нусхаси суғурта тўловлари ҳисоблангандан сўнг суғурта ташкилотида қолади, иккинчи нусхаси 5 кун ичида суғурта қилдирувчига қайтарилади.

Қайта суғурта тўловлари қуйидаги тартибда тўланади:

- бир йил ва узоқ муддатга тузилган асосий ва қўшимча шартнома бўйича тўловларнинг ҳаммаси бирваракайига ёки икки муддатда тўланади - биринчи тўлов (50 фоиздан кам бўлмаган кием и) аризанинг иккинчи нусхаси олингандан сўнг 10 кун ичида, иккинчи тўлов биринчи муддат тўловлари тушгандан кейин 5 ойдан кечиктирилмай тўланади.

Қисқа муддатли (бир йилдан кам), махсус ва танланма суғурта шартномалари бўйича суғурта тўловлари бир варакайига-аризанинг иккинчи нусхаси олингандан сўнг 10 кун ичида тўланади.

Қайта суғурта шартномаси қуйидаги муддатларда кучга киради:

- йиллик суғурта тўловларининг 50 фоизидан кам бўлмаган қисми тўлангандан сўнг;

- қисқа муддатли, махсус ва танланма суғурта шартномалари бўйича ҳисобланган ҳамма тўловлар тўлангандан сўнг.

“Ўзагросуғурта” ДАСК Иштихон туман бўлимининг банк муассасасидаги ҳисобрақамига тўловлар тушган кун тўлов тўланган кун ҳисобланади.

Қайта суғурта шартномаси бир ва ундан ортиқ йилга тузилади. Бир неча йиллик шартнома тузилганда мулк қиймати ва суғурта тўловлари хар йили қайта ҳисобланади. Ҳисобланган келаси йил тўловлариининг 50 фоизи йил тугамасдан олдин тўланганда бундай шартномалар келаси йилга узайтирилган ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш фаолияти мавсумий бўлган корхоналар мулки танланма суғурта қилинганда, шунингдек бошқа ташкилот ва фуқаролардан

олинган мулк суғурта қилинганда ҳамда синов ва текширув ишлари суғурта қилинганда, кўргазма буюмлари суғурта қилинганда қисқа муддатли шартнома мулкнинг тўла қийматида ҳам тузилиши мумкин.

Корхонага қарашли мулк унинг қийматининг хоҳлаган қисмида (фоизда) суғурта қилиш мумкин. Агар корхона билан бирга маълум бир фоизда суғурта қилинган бўлса, корхонага қарашли барча объектлар шу фоизда суғурта қилинган ҳисобланади. Ижарага олишан ёки бошқа ташкилотлардан олинган мулк тўла қийматида (эскириш қийматини чиқариб ташлаб) суғурта қилинади.

Шартнома бўйича суғурта қилдирувчи зарарни қоплашда ўз улушини белгилаб қуйиши (франшиза) мумкин. Бу ҳолда суғурта тўловлари тегишли равишда камаяди.

Ихтиерий суғуртага олинадиган мулкнинг қиймати корхона томонидан ҳисоб-китоб маълумотномасида кўрсатилиб, ариза билан бирга тақдим этилади.

Қўшимча суғурта шартномаси тузиш тўғрисида аризада суғурта қилдирувчи қуйидагиларни кўрсатади:

- ижара шартномаси бўйича қабул қилинган мулкнинг баланс қиймати;
- бошқа ташкилот ва фуқаролардан қайта ишлаш, тузатиш, сақлаш ва ҳоказо учун олинган мулк ҳар бир омборхона, устахона, дўкон ва ҳоказо бўйича (уларни қабул қилиш ҳужжатларида кўрсатилган қиймати бўйича);
- транспорт воситаларининг баланс қиймати.
- ов анжомларининг баланс қиймати;
- суғурта қилиш муддати;
- франшиза миқдори.

Асосий ва қўшимча шартнома амалда бўлган даврда келиб тушган мулклар суғурта пули доирасида суғурта қилинган ҳисобланади. Қайта суғурта шартномасининг амал қилиш даври ичида чиқиб кетган мулк учун суғурта бадаллари қайтарилмайди.

Ташкилот тугатилиши туфайли унинг фаоллиги тўхтатилган вақтда ана шу ташкилотни тугатиш белгиланган кунда суғурта шартномаси ўз кучини йўқотади, ташкилот қайта тузилган (қўшилган, бўлинган, ажралиб чиққан)да эса, қайта тузилгандан 15 кун утқач суғурта шартномаси бекор бўлади. Бирок барча ҳолларда ҳам шартнома муддати тамом булгунга қадар ўз кучини сақлаб қолади. Бунда янги ташкил бўлган ташкилотнинг барча мулки 15 кун давомида қуйидаги фоизда суғурта қилинган ҳисобланади:

- икки ёки бир неча ташкилот битта ташкилотга бирлаштирилганда - амалдаги шартнома бўйича суғурта пули янги ташкилот мулкининг неча фоизини ташкил қилса, ўша фоизда;

- ташкилотлар бўлинганда - улар мулкининг суғурта шартномасида кўрсатилган фоизда. Шартнома тўхтатилгандан кейинги давр учун қолган бадаллар қайтариб берилади (фақат тўлиқ ойлар учун).

Мулк суғуртаси бўйича қайта суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- мулкни ёнғинга қарши қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда назорат ташкилотлари талабларининг бажарилишини таъминлаши, бинолар, иншоот ва бошқа мулклардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиши керак;

- суғурта муассасалари ва назорат ташкилотларига суғурта қилинган мулкнинг бутлигини текширишда ёрдам бериши керак;

- корхона қайта тузилганда, фаолияти тугатилганда шартномани муддатидан илгари тўхтатиш учун суғурта ташкилотига ўз вақтида хабар бериши лозим;

- қайта суғурта қилинган мулк зарарланганда, нобуд бўлганда ёки суғурта ходисаси рўй бериши хавфи пайдо бўлиши сабабли (ер кучиши, унирилиши. ёнғин) иш олиб борилганда тегишли суғурта ташкилотига хабар бериши лозим. Агар хабар бериш муддати дам олиш кунига тўғри келса, кейинги биринчи иш куни хабар беришнинг охириги муддати ҳисобланади;

- кулфбузарлик билан ўғирлик (талон-тарож) ёки транспорт воситаларининг ўғирланиши, учинчи шахс томонидан ноқонуний ҳаракатлар қилинганлиги ҳақида ички ишлар ядораларига тезда хабар бериши зарур;

- қайта суғурта қилинган мулк нобуд бўлганда, зарарланганда, йўқ бўлганда суғурта ташкилотига керакли ҳужжатларни такдим этиши керак;

- суғурта ташкилотнинг вакили егиб келгунча, суғурта ходисасидан сўнг зарарланган ва зарарланмаган мулкни сақлаб туриши лозим.

Суғурталовчининг мажбуриятлари эса қуйидагилардан иборат:

- қайта суғурта қилдирувчига суғурта қоидалари ва тартибини тушунтириш, суғуртага олинадиган мулкнинг қийматини аниқлашда ёрдам бериши керак;

- суғурта қилинган мулк каерда бўлишидан қатъий назар (ижарага олинган мулк учун шартномада кўрсатилган жойларда) унга жавобгардир;

- қайта суғурта қилинган мулк тўғри сақланаётганлигининг қонунийлигини назорат органлари билан биргаликда доим текшириб туриш лозим;

- Мулк нобуд бўлганда (зарарланганда) зарар қийматини аниқлаш учун комиссия тузишда ёрдам бериши ва юқорида кўрсатилган муддатларда суғурта қопламасини тўланишини таъминлаши керак.

Қайта суғурта қилдирувчиларнинг суғурта шартномасидан келиб чиққан даъволари корхона ўз ҳуқуқи бузилганлигидан хабардор бўлган кундан ёки шу тўғрисида билиши лозим бўлган кундан бир йил ичида суғурта ташкилотига ёки унивг юқори ташкилотига (агар мавжуд бўлса) такдим этиши мумкин.

Қайта суғурта шартномаси юзасидан келиб чиққан низолар юқори суғурта ташкилоти, суд ёки давлат ҳакамлиги томонидан куриб чиқилади.

“Ўзагросуғурта” ДАСК Иштихон туман филиали қайта суғурта қилдирувчидан мулкнинг нобуд бўлганлиги, йўқолганлиги ёки шикастланганлиги ҳақида хабар олгач, уч кундан кечиктирмай (агар суғурта

қилдирувчи зарур барча хужжатларни такдим этса) қабул қилинган шакл бўйича суғурта далолатномасини тузишга киришиш ва ўн кун ичида зарарни ҳисоблаб чиқиши шарт.

Қайта суғурта қопламалари корхонага суғурта ташкилоти ва суғурта қилдирувчи вакиллариининг мажбурий иштирокида тузилган далолатнома ва зарар миқдорининг суғурта ташкилоти томонидан бажарилган ҳисоб-китоби асосида тўланади.

Мулк нобуд бўлган (ишкастланган) тақдирда суғурта қопламаси қуйидаги миқдорларда ҳисобланади:

- қайта суғурта қилдирувчяга тегишли мулк учун зарар миқдорини мулк дастлаб суғурта қилинган, лекин суғурта пулидан баланд бўлмаган фоиз даражасида. Бунда шартнома тузиш пайтида ихтиерий суғурта қилиш ҳақидаги аризада мулк қиймати асл нархидан паст қилиб кўрсатилганлиги аниқланса, у тақдирда мулк суғурта қилинган фоиз шунга камаяди;

- корхона томонидан ижара шартномасига кўра олинган мулк учун зарарнинг суғурта пули даражасидаги тўлиқ миқдорида;

- корхона томонидан қайта ишлаш, тузатиш, кўчириш, сақлаш ва бошқа мақсад учун олинган мулк бўйича зарарнинг шартномада кўрсатилган мазкур омборхона, цех, дукон, устахона ва ҳоказолар учун суғурта ҳақидаги аризада кўрсатилган суғурта пули доирасида.

Ёнгинни тўхтатиш чоtidaги чоралар ёки кутилмаганда табиий офат хавфи пайдо бўлиши муносабати билан бинолар ва бошқа мулкларни қисмларга ажратишга ёки кўчиришга. бино ҳамда иншоотларни қайта тиклаш учун қилинган сарфлар ҳам зарар миқдорига қўшилади.

Тажриба ёки текшириш ишларини олиб бориш туфайли, шунингдек мулкни кўргазмада намоён қилиш вақтида юз берган зарар учун, агар мулк махсус шартнома бўйича суғурта қилинган бўлса, суғурта қопламаси тўланади.

Вайрон бўлган ёки шикастланган мулк учун суғурта қопламаси суғурта шартномасини тузган “Ўзагросуғурта” ДАСК томонидан мулкнинг вайрон бўлганлиги ёки шикастланганлиги ҳақида далолатнома тузилган ва тегишли ташкилотлардан барча зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб 20 кун ичида тўланади.

Қайта суғурта қопламасининг тўланиши суғурта ташкилоти айби билан кечиктирилса, кечиктирилган ҳар бир кун учун зарар қопламасининг 0,05 фоизи миқдорида жарима (пеня) тўланади.

Агар кўп миқдорда мулк нобуд бўлган бўлса ва 20 кун ичида зарарнинг тўла ҳисоб-китобини қилиш мумкин бўлмаса, у ҳолда суғурта қилдирувчининг ёзма аризасига кўра суғурта ташкилотлари суғурта қилдирувчига суғурта қопламасини тахминий ҳисобидан 60 фоизгача миқдорда бунак (аванс) тўлаши мумкин.

Агар мулк жиноят оқибатида нобуд бўлган ёки шикастланган ва шу туфайли жавобгарга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса, у ҳолда жавобгар шахсга қўйилган даъвони жиноий иш кўрилатган даврда суд томонидан кўриб чиқишга имконият туғдириш мақсадида суғурта қилдирувчига суғурта қопламаси тергов ишлари бораётган пайтда ёки тугагандан сўнг тўланади.

Агар зарар туга қопланса ёки суд етказилган зарарни жавобгар шахсдан ундиришга ҳукм чиқарса, у ҳолда суғурта қилдирувчи ўзининг суғурта қопламасига бўлган ҳуқуқидан махрум бўлади. Агар зарар қисман қопланган бўлса, у ҳолда етказилган зарар учун жавобгар киши суғурта қилдирувчига тўлаган маблағни ҳисобга олган ҳолда зарар қопламаси тўланади.

Ижарага берилган ва қайтга суғурта қилинган мулк ижарачининг айби билан нобуд бўлса, йўқолса ёки шикастланса, суғурта қопламаси суғурта қилдирувчига тўланади ва маблағ айбдор шахсдан ундириб олинади.

Мулк корхона бошлиғи томонидан давлат ёнғиндан муҳофаза қилиш идоралари ёки бошқа давлат идорали кўрсатмаларининг бажарилмаслиги, шунингдек ишлаб чиқариш технологияларининг бузилиши ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида ёнғин, портлаш, фалокат ва бошқа суғурта ходисаларидан нобуд бўлса (шикастланса), суғурта қопламаси миқдори 30 фоизга камаяди. Айтиб ўтилган кўрсатмалар ва талабларни бажармаслик ҳоллари назорат органларининг ҳужжатлари асосида аниқланади.

Қуйидаги ҳолларда қайта суғурта қопламаси тўланмайди:

а) иш жараёнида рўй бериши муқаррар бўлган ёки табиий ҳолда рўй берадиган (нураш, чириш, эскириш), алоҳида жисмларнинг ўзига хос хусусиятлар туфайли қўрилган зарар учун;

б) суғурта қилинган мулкга қайта ишлаш мақсадида иситиш, қуритиш, қайнатиш ва бошқа таъсир кўрсатиш натижасида қўрилган зарар учун;

в) суғурта ходисаси рўй берганлиги ҳақида ўз вақтида хабар бермаганлик натижасида зарар миқдорини аниқлаш мумкин бўлмаганда;

г) кулфбузарлик билан ўғирлаш, талон-тарож қилиш, транспорт воситаларини олиб кочиш ходисалари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тасдиқланмаганда;

д) қуйидаги қўшимча зарарлар:

- суғурта ходисаси юз берган пайтда ва ундан сўнг суғурта қилдирувчи мулкни сақлаб қолиш, унга зарар етиши ва зарар ҳажмини қўпайишниш олдини олиш чораларини кўрмаганлиги туфайли қўрилган қўшимча зарарлар;

- суғурта ходисалари оқибатларида ишлаб чиқаришда узилиш бўлиши, кемалар қатнови ва бошқа шарт-шароитлар ўзгариши сабабли етказилган зарар учун ҳам суғурта қопламаси тўланмайди.

Ушбу суғурта турида ҳам асосий мақсад фойда (даромад) олишга қаратилган. Сабаб “Ўзагросуғурта” ДАСК Иштихон туман филиали самарали ишлашини таъминлаш бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, суғурта қайси турда ва қандай кўринишда қайд этилмасин, қайта суғурта суғурталовчининг молиявий барқарорлигига таъсир этади. Чунки суғурта компанияси қайта суғурталаш орқали у ўзини қайта рискдан ҳимоя этади ва бир вақтни ўзида ўзи олган мажбуриятларни ва масъулиятни қисман чеклайди. Шунингдек, қайта суғурта суғурта компаниялари учун тиниқ молиявий натижаларга эга бўлиш имкониятини яратади ва катта рискдан йўқотишни чекланган даражада таъминлайди. Бу жуда муҳимдир, чунки суғурталовчини суғурта бозорига кириб боришга имконият яратиб беради.

3.3. Қайта суғурта муносабатларини ривожлантириш йўллари

Ҳозирги шароитда амалдаги ҳар бир суғурта компанияси, шу жумладан “Ўзагросуғурта” ДАСК қайта суғурталаш муносабатларига эҳтиёжлари жуда катта. Аммо иқтисодий муносабатларнинг ривожланиб бориши, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фойда олиш мақсадларининг ўсиб боришига турли хил кўринишдаги хавф-хатар салбий таъсир кўрсатиши, инсонларнинг ҳам кундалик ҳаётида учрайдиган турли мудҳиш ҳодисалар(касалликка чалиниши, меҳнат қобилиятининг йўқотилиши, мулкӣ зарарланишлари ва ҳоказолар), уларнинг кўзда тутилмаган харажатларининг юзага келишига олиб келиши ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва иқтисодий томонлама ҳимоялашнинг энг мақбул усули бу – қайта суғурталанишдир. Лекин суғурта компаниялари катта молиявий ресурсларга эга бўлмаслиги қайта суғурта хизматларни тўлақонли амалга ошириш имкониятлари чекланиб қолинмоқда.

Қайта суғурта суғурталанувчига катта молиявий имкониятлар яратади. Ушбу суғурта тури орқали суғурта компанияси суғурталанувчини ўз мажбуриятларини бажарилишини кафолатлайди. Қайта суғурта хизматлари миллий иқтисодиёт ривожланишига кўмаклашувчи, ижтимоий йўналтирилган барқарорлаштирувчи механизм ҳисобланиб, у турли хилдаги салбий омилларнинг таъсири даражасини пасайтириш ҳисобидан мамлакатда макроиқтисодий барқарорликка ижобий таъсир кўрсатади. Қайта суғурта хизматлари орқали жамиятда содир бўладиган нохуш ва кўнгилсиз воқеалар натижасида юзага келадиган зарарларни қоплаш мумкин. Бу орқали эса суғурталанувчиларнинг молиявий жихатдан барқарор фаолият юритишлари таъминланади. Инсон ҳаётида бахтсиз ҳодисалар рўй берганда эса суғурта моддий кўмак берувчи муҳим молиявий дастак бўлиб ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, қайта суғурта хизматлари орқали бюджетнинг харажатлар қисмига тушадаган оғирликни енгиллаштириш анча осон кечади. “Ўзагросуғурта” ДАСК компанияси суғурталанувчиларга (ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга) зарарларни қоплаб берилиши орқали давлатнинг пул маблағлари тежалади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайтириб бориш; бюджетнинг ижтимоий харажатлар қисмига тушадиган оғирликни енгиллаштириш; суғурта ташкилотлари маблағларини ижтимоий – иқтисодий ҳимоя билан боғлиқ масалаларга йўналтириш; юқоридаги чора – тадбирларни қўллаш орқали бўшаган пул маблағларини соғлиқни сақлаш, инфратузилмани ривожлантириш, шунингдек, суғурта ташкилотларининг молиявий баркамоллигини ошириш каби йўналишларга сарфлаш даражада фойдаланиши мумкин”.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида “Ўзагросуғурта” ДАСКнинг тараққий этишида суғурталовчилар давлат томонидан қўллаб-қувватланишига эҳтиёж сезади. Шунинг баробарида “Ўзагросуғурта”

ДАСКнинг ҳам ривожланган бозор инфратузилмалари таркибидан жой олишига давлат томонидан тартибга солиниши муҳим аҳамият касб этади.

“Ўзагросуғурта” ДАСК яқин йиллардаги қайта суғурта соҳасининг ижобий ютуқларининг айрим кўрсаткичларига назар ташласак, унинг қайта суғурта хизматларидан тушумларининг қай даражада ўсиб бораётганлигини кўзатишимиз мумкин. Яъни қайта суғурта хизматларига бўлган талабнинг ошиши ва суғурта мукофотларининг шаклланиш ҳолати кескин даражада ижобий ўзгаришларни юзага келтирди. 2011 йилда жами пуллик хизматлардан тушган маблағларнинг 3,9 %и қайта суғурта хизматларини сотишдан тушган суғурта мукофотлари суммасига тўғри келади. Бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 16% ошганлигини кўришимиз мумкин Барча қайта суғурта хизматларини сотишдан тушган суғурта мукофотлари 2010 йилда 0,7 млрд. сўмни ва 2011 йилда эса 1,4 млрд. сўмни ташкил этиши бўйича маълумотлар мавжуд. Қайта суғурта хизматларининг сотишдан тушган тушумларининг ўсишига асосий сабаб “Ўзагросуғурта” ДАСК Самарқанд вилоят дирекциясида амалда тадбиқ этилган қайта суғурта хизмат турларининг кенгайишидир.

Қайта суғурта бозорини ривожлантириш авваламбор, қайта суғурта муносабатларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва ривожлантиришни талаб қилади. Бу борада: жаҳон стандартларига мос келадиган меъёрий – ҳуқуқий қонунчилик базасини такомиллаштириш; суғурта хизматлари бозорида фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш; солиққа тортиш механизмларини соддалаштириш каби устувор вазифаларни амалга ошириш лозим.

“Ўзагросуғурта” ДАСКни даромад(фойда) олиш имкониятларига эга бўлганликлари боис амал қилувчи қонунчилик асосида солиқ тўловчи субъект ҳисобланади.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида суғурта ташкилотларига нисбатан солиқ сиёсати уларни қўллаб-қувватлашга ва ривожлантиришга қаратилган, бу эса, шубҳасиз, ўз самарасини бермоқда.

Қайта суғурта хизматлари бозорларини ривожлантириш ҳамда миқозларнинг қайта суғурталаш жараёнида кенг иштирок этишини рағбатлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сон “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжатга кўра, қайта суғурталаш суғурталанувчи миқозларни узоқ муддатга суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари солиққа тортилмаслигини таъминлаш муҳимдир. Ушбу солиқ имтиёзи қайта суғурта хизматларининг рақобат бозорини шакллантириш, қайта суғуртани замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш имконини беради. Айти пайтда мамлакат қайта суғурта бозорини ривожлантириш ва ишончлилигини оширишда солиқларни ҳисоблаш ва тўлашда ўзига хос жиҳатларни кўзда тутиши энг аввало солиққа тортишнинг амалий тизими муҳим омил бўлиб ҳисоблиши зарур.

Ҳозирги кунда суғурта ташкилотлари учун солиқларни ҳисоб-китоб қилишда Президентнинг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни хизмат қилади.

Ҳозирда қайта суғурталаш орқали фойда солиғини ҳисоблашда даромад сифатида:

- суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари;

- суғурта агенти, брокер, воситачи хизматларини кўрсатганлик учун мукофот;
- қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича танъемалар;
- қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича мукофотлар депосига ҳисобланган фоизлар суммалари;
- суғурта қилдирувчининг (наф олувчининг) етказилган зарар учун жавобгар шахсларга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқини реализация қилишдан олинadиган суғурталовчига ўтган даромадлари;
- суғурта шартномалари шартларини бажармаганлик учун жарима ва пеня тарзида олинган суммалар;
- суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларига хизматлар кўрсатганлик учун суғурталовчи томонидан олинган пул мукофоти;
- суғурта хизматлари кўрсатишдан ва қўшимча суғурта фаолиятидан олинган бошқа даромадлар.

Суғурта ташкилотларининг чегириладиган харажатларига эса қуйидагилар киритилади :

- суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш мажбуриятлари бўйича амалга оширилган ҳамда ҳисобланган тўлов суммалари;
- суғурта ташкилоти суғурта ҳодисалари рўй беришини бартараф этиш ва унинг олдини олиш бўйича огоҳлантириш тадбирларини молиялаштиришга сарфлайдиган маблағлар суммалари;
- қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича тўланган тўлов суммалари;
- фуқаролик конун ҳужжатларига мувофиқ ўтган йиллардаги суғурта ҳодисалари бўйича тугалланмаган тўлов суммалари, шу жумладан даъво муддати доирасидаги мажбуриятлар суммаси;
- суғурта ташкилотлари захира фондларининг миқдори суғурта ташкилотлари устав фондининг 25 фоизига етгунига қадар мазкур ташкилотлар ўз даромадларининг 20 фоизигача миқдорида захира фондларига қиладиган ажратмалар суммаси;

- суғурта ва қайта суғурта ходисаси рўй берганлиги ҳақида маълум қилинган, лекин зарар миқдори тақдир этилмаган шартномалар бўйича суғурта суммалари ва бошқа харажатлар.

Суғурта ташкилотларининг солиққа тортиш тизими бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан фақат фойда солиғи бўйича фарқланади. Солиқнинг ушбу тури бўйича 2010 йил учун ставка 9 фоиз ҳажмида кўзда тутилган, яъни ўтган йилга нисбатан бир фоизга камайган.

Суғурта ташкилотлари ишловчилар сонига биноан кичик бизнес субъектлари сафига киритилиши мумкин. Субъектларнинг ушбу тоифаси ягона солиқ тўлови кўзда тутилган соддалаштирилган солиққа тортиш тизимига ўтиш ҳуқуқига эга. Белгиланган мезонларга кўра микрофирмалар ва кичик корхоналарга кирувчи ҳамда соддалаштирилган солиққа тортиш тизимини танлаган суғурта ташкилотлари учун 2010 йилда ягона солиқ тўлови ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилган.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг суғурта бўйича оладиган суммалари, мол-мулкни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари тўлови учун йўналтириладиган Ўзбекистон Республикаси фуқарolari иш ҳақининг ҳамда бошқа даромадларининг суммалари жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари ҳисобланади. Бундай имтиёзларнинг берилиши мижозларга қайта суғурталашда фойдаланиш ҳажмининг ўсишига ва шу орқали суғурта бозорининг ривожланишига билвосита таъсир кўрсатади

Умуман олганда, суғурта ташкилотларининг солиққа тортиш механизмнинг соддалаштирилиши суғурта хизматлари бозорининг тараққий этишига замин яратади. Оқибатда суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлиги таъминланади, суғурта заҳираларининг инвестиция объектларига жойлаштирилиши ўсади, қайта суғурталашнинг сифати ошади, мижозларни қайта суғурталаш орқали ҳимояланиши кенгаяди. Бу эса ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётини ва ижтимоий муносабатларининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиши мумкин.

IV БОБ. «ЎЗАГРОСУҒУРТА» ДАСК ИШТИХОН ТУМАН БЎЛИМИДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ҲОЛАТИ ВА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутаяди, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, республикаимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданок «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Жамият ва табиат асоси, уни ўз фаолияти билан ривожлантирувчи ва бошқарувчиси инсон эканлигини эътиборга олиб, унинг ҳаёт фаолиятини яхшилаш, эъзозлаш – тараққиёт йўлидаги муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан фуқароларимизнинг ҳаёт шароитини яхшилаш, уларни турли таъсирлардан сақлаш, ҳар қандай ҳолатда ҳам эҳтиёт этиб, муҳофаза этиш асосий эзгу мақсад қилиб олинган.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тушунчаси ўз ичига инсоннинг жамиятда ишлаб чиқаришда, яшашида, фаолият олиб боришида муҳитнинг хавфсиз бўлиши, табиий ва техноген хусусиятли вазиятлардан сақланиши, қуруш ва терроризм ҳуружидан ҳимояланиши, табиат ва одамзот қуюнлигини сақлаши, умуман олганда, инсоннинг шу заминдаги ҳаётининг

хавфсизлигини таъминлаш тушунилади.

Она саёрамизда илк адамларни қўйган ва тафаккур имконияти даражасига кўтарилган узоқ аجدодларимиз яшаш жойларида ўзларига хавф солиб турган йирғичлардан ҳам хавфли офатлар бўлишини тезда тушиниб етишган. Чунки, ўша даврларда ҳам зилзилалар, вулқонлар, тўфонлар, сув тошқинлари ва бошқа табиий офатлар инсонларнинг ожиз ва сийрак кабилаларига сезиларли зарар етказиб турган.

Инсоният XX1 асрга адам ўяр екан, ўтган давр мобайнидаги сову урушлар, тинчлик даврларида ўлланилган замонавий уроллар, турли кўринишдаги фалокатлар ва боша муаммоларни талил илади ва янги аср бўсаасида бажариладиган тадбирларни ар томонлама асослаган олда белгилаб олади.

XX аср поёнида хавфсиз ҳаётни таъминлаш масалалари энг долзарб муаммога айланиб қолди, чунки ишлаб чиқаришни юқори тараққий этган технологиялар билан таъминлаши, табиий ривожланишдаги айрим нохуш вазиятларнинг мураккаблашуви аҳоли саломатлиги, атроф-муҳит тозалиги ва иқтисодни барқарор ривожланишига хавф солиб турибди. Шунинг учун энг муҳим вазифалар Ўзбекистон аҳолиси ҳаёт фаолиятини ва ҳудудини турли хил вазиятлардан муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни, айниқса фуқаро меҳнатини муҳофазасини таъминлаш ҳисобланади. Республикамиз Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистон XXII аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида «Екологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтаавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган»лигини эътироф этганлар. «Ўзбекистон XXII асрга интилмоқда» асарида Президентимиз ватанимизнинг яхлитлиги, аҳоли хавфсизлиги таҳдиди тўғрисида батафсил тўхтаб ўтганлар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қуроллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган

бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муофазаси янги ижтимоий-итисодий зарурият асосида шаклланимоқда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалокатлар ва алоқатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшабини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда кутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга эришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган қўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда ҳозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

4.2. «Ўзагросуғурта» ДАСК Иштихон туман бўлими ходимлари меҳнат фаолиятини муҳофазасини ҳолати

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш

жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриктан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутди.

Сўнгги вақтларда сојлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тиббий кадрлар тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилаяпти, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида мажмуавий дастурлар амалга оширилмоқда, юқумли, умумий хас-таликлар ҳамда касб касалликларни ташҳислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг энг янги усуллари ишлаб чиқилмоқда ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бироқ, қўлга киритилган катта ютуқларга қарамай, бозор муносабатларига ўтиш шароитларида, кичик корхоналар кўпаяётган бир пайтда (бу ерда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига амал қилмаслик ҳоллари рўй бермоқда) қишлоқ хўжалиги ва саноатда машғул бўлган ходимларга кўрсатаётган сојлиқни сақлаш ходимларига қўйилаётган талаблар пасайгани йўқ. Бу айниқса, ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш муаммосига тааллуқлидир, уларнинг нечојлик сифатли ўтказилиши, умумий ва касб касалликларида профилактика чора-тадбирларини мақсадга мувофиқ йўналтирилган даражасига бојлиқ бўлади.

Умумий ва касб касалликларини, бахциз ҳодисаларнинг олдини олиш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида бу кўрикларнинг паст савияда ўтказилиши келгусида сурункали касалликларнинг тез-тез учраб туришининг кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида ишлаш унумдорлигининг пасайишига, иқтисодий куч-қувватларнинг сусайишига олиб боради, яъни салбий ижтимоий оқибатларга сабаб бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон саноатида, қурилишда ва қишлоқ хўжалигида 3 млн. дан ортиқ одам ишлайди, улардан 1 млн. нохуш ва зарарли меҳнат шароитларида, шу жумладан 200 минг аёл ишламоқда. Кўп корхоналарда асосий касб гуруҳларида зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари (шовқин, тебраниш, кимёвий бирикмалар ва ҳоказолар)га қўйилмаган рухсат этувчи гигиеник қоидаларнинг бузилишига йўл қўйилмоқда. Бу эса касбдан касалланишнинг асосий негизини кўп жиҳатдан ишга вақтинча қобилияцизликка алоқадор касалликларни келтириб чиқаради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, баъзи бир саноат корхоналарида меҳнат шароитлари ва касбдан касалланишнинг ҳақиқий аҳволи санитария-эпидемиология хизмати томонидан кўриладиган чораларнинг етарлича самарали бўлмаслигидан ва ходимларнинг касбдан касалланишини муҳофаза қилиш борасида ўз касб бурчини тамойилиал ва пухта бажармаслигидан далолат беради.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли олиб бормай туриб, зарарланган ҳудудларда, объектларда мўтадил ҳаёт фаолиятини яратиб бўлмайди. Бу ишларни давлат органлари орқали, фуқаро муҳофазаси бошчилигида бутун халқ ёрдамида амалга оширилади.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ) кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий офатлар,

ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, қутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

4.3. «Ўзагросуғурта» ДАСК Иштихон туман бўлимида ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кўраш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усуллари меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қилади.

Ҳозирги вақтда республикамиз ташкилот ва корхоналарида ёнғин хавфсизлигини камайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, корхоналарда ёнғин чиқиш хавфи камайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналари ишлатилмоқда. Ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенгроқ қўлланилмоқда.

Лекин, ёнғин чиқишининг олдини олиш ва ўт ўчиришда асосий масъулият кишилар зиммасига тушишини ҳамда уларнинг ёнғинни ўчириш техникасининг барча талабларини тўлиқ бажарқилишига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Ташкилот ва корхоналарда бу тадбирлар тартибли равишда, ёнғин техникаси ҳақидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борқилиши шарт.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Ёнғин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда ёнғин муҳофазаси ва объектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин чиқишини оголантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, ҳал мулкани асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Сех, лаборатория, бўлим, омборхона, устахоналардаги ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнғинга қарши кўраш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;
- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга арши

кўраш бошқармасининг вазифаси давлат мулкани, фуқаролар шахсий мулкани ёнғиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

- саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;

- Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини каттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;

- корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

- ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки

бажарилмаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнгин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнгин ҳамда портлаш жихатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ишчилар, хизматчилар ва муҳандис-техник ходимларининг кўпчилиги жалб этилгандагина корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда ёнгинга қарши муваффақиятли кўраш олиб бориш мумкин. Бунинг учун ҳар бир объектда ёнгин-техник комиссияси тузилади. Комиссияга бош муҳандис, техник раҳбар ёки раҳбарнинг биринчи ўринбосари бошчилик қилади, уларнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- ёнгинни олдини олиш қоидаларининг бузилишларини ва ёнгин чиқишига олиб келувчи камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

- объектив ёнгиннинг олдини олиш тартибини ишлаб чиқиш ва уларни ўтказишда қатнашиш;

- ишчи-хизматчилар ва муҳандис-техник ходимлар ўртасида ёнгиннинг олдини олиш тартиби ҳамда қоидалари бўйича оммавий тушунтириш ишини олиб бориш.

Бу вазифаларни бажариш учун ёнгин техник-комиссияси ишлаб чиқариш хоналари, электр жиҳозлари, шамолатиш, иситиш тизимлари ва шу кабиларни кўздан кечириб, қоида бузилишларини аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш муддатларини белгилайди; ишловчилар ўртасида ёнгиннинг олдини олиш мавзуларида суҳбатлар, лексиялар ўтказиш; рационализаторлар ҳамда ихтирочилар учун мавзулар ишлаб чиқишда қатнашади; сеҳлар, бўлимлар, омборхоналар, лабораториялар ва ҳоказоларнинг ёнгинга қарши ҳолатини текширишга кенг жамоатчиликни жалб этади.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши кўрашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг характерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажралиб чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момиқ юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Таҷрибаларнинг кўрсатишича корхона сеҳларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м²/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуация қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қилади. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишдир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуация қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш штабига корхона маъмурияти вакиллари жалб қилиш кўзда тутилади. Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнғин жиҳатидан хавфсизлиги корхона ҳудудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона ҳудуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Ёнғин жиҳатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнғин хавфи белгиларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

4.4. «Ўзагросуғурта» ДАСК Иштихон туман бўлимида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташҳис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиб-парваришлаш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан,

вақтинча меҳнатга лаёқатизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг аҳамияти ва шундай ёрдам беришнинг қоидалари

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил

боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғрик қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учириш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз қийғизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкасидан ўтказиш.

Биринчи медицина ёрдамини мумкин қадар эрта муддатларда кўрсатиш касаллик ва шикастнинг кейини қандай ўтиши ҳамда оқибати нима билан тугаши учун, баъзида эса ҳаётни қутқариб қолиш учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Кўп қон кетиб турганда, одам злектр токидан шикастланган, сувга чўккан пайтида, юрак фаолияти тўхтаб, нафаси чиқмай қолган пайтда ва бир қанча бошқа ҳолларда биринчи медицина ёрдами дарҳол кўрсатилиши керак. Башарти талайгина одамлар бир йўла биринчи медицина ёрдами кўрсатилишига муҳтож бўлса, у ҳолда бундай ёрдам кўрсатишнинг муддатлари билан навбати белгиланади. Болаларга ва шу дамнинг ўзида ёрдам олмаса ўлиб қолиши мумкин бўлган шикастланганларга биринчи навбатда ёрдам кўрсатилади.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибни белгилаб олиш керак. Аввал шикастланган одамнинг ҳаёти қутқариб қолишга имкон берадиган ёки биринчи медицина ёрдамнинг кейинги усул-амалларини қўлланиш учун ба-жарилиши шарт бўлган усул-амаллар бажариладн. Чунончи, сон суяги очик синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга сте-рил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирламайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирламайдиган қилиб қўйиш учун махсус шина солиб

боғлаш ёки кўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

Биринчи медицина ёрдамининг ҳамма усул-амалларини эҳтиёт бўлиб ва авайлаб бажариш лозим. кўпол ҳаракатлар қилинадиган бўлса, бу шикастланган кишига зарар қилиши ва унинг аҳволини ёмонлаштириб қўйиш мумкин. Биринчи медицина ёрдамини бир эмас, балки икки ёки бир неча киши кўрсатадиган бўлса, у ҳолда келишиб, иноқлик билан иш кўриш керак. Бунда ёрдам кўрсатаётганларнинг бири бошлиқ бўлиб, биринчи медицина ёрдамининг барча усул-амаллари бажарилишига раҳбарлик қилиб бориши лозим,

Биринчи медицина ёрдами кўрсатишда табелдаги ва кўлда бор воситалардан фойдаланилади. Биринчи ёрдам кўрсатишда ишлатиладиган табел воситалари боғлов материали—бинтлар, медицина боғлов пакет-лари, катта ва кичик стерил боғламлар билан салфеткалар, пахта ва бошқа ашёлардир. қонни тўхтатиш учун қон тўхтатадиган жгутлар— тасмасимон ва найсимон жгутлар, иммобилизация қилиш учун эса махсус тахтакачлар — фанера шиналар, шотисимон, тўрсимон ва бошқа хилдаги шиналар ишлатилади. Биринчи медицина ёрдами кўрсатишда баъзи дори-дармонлардан фойдаланилади — ампулалар ёки флаконга солинган спиртдаги 5% ли ёд эритмаси, флаконга солинган спиртдаги 1—2% ли бриллиант яшили эритмаси, валидол таблеткалари, валериана настойкаси, ампулаларга солинган новшадил спирт, таблеткалар ёки порошок ҳолидаги натрий гидрокарбонат (ичимлик сода), вазелин ва бошқалар шулар жумласидандир. Зарарланиш ўчоқларида радиоактив заҳарловчи моддалар ва бактериал воситалар шикастидан шахсан сақланиш, профилактика қилиш учун индивидуал аптечка (АИ—2) дан фойдаланилади.

Санитар дружиналари ва саннтар постлари табел воситалари билан таъминланади. қурилиш ва ишлаб чиқариш участкаларнда, сеҳлар, фермалар ва бригада-ларда, ўқув юртлари ва муассасаларда, аҳоли уюшган ҳолда дам оладиган жойларда биринчи ёрдам аптекалари комплектланиб, тахт қилиб

қўйилади. Одамлар ташиладиган транспорт воситалари, шунингдек, шахсий автомобиллар аптечкалар билан таъминланган бўлиши керак.

Биринчи ёрдам кўрсатиш учун қўлда бор воситалар сифатида қуйидаги нарсалардан фойдаланиш мумкин боғлам қўйиб боғлаш маҳалида—тоза чойшаб, қўй лак, газлама (яхшиси оқ газлама) дан; қонни тўхтатиш учун — жгут ўрнига шим камари ёки белбоғдан, газлама бурамадан; суяк синган маҳалларда шиналар ўрнида қаттиқ картон ёки фанер бўлаклари, тахта, таёк ва бошқалардан фойдаланса бўлади.

Хулоса

Мамлакатимизда суғуртанинг туб маънода тадбиркорлик фаолиятига айланиши учун қуйидаги маълум шартлар бажарилиши талаб этилади:

- *биринчидан*, суғурта фаолияти билан шуғулланувчи ихтисослашган ташкилот суғурта хизматини кўрсатиши ҳамда рақобатли муҳитда муваффақиятли ишлаши учун ўз молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаши, филиаллар тармоғини кенгайтириши;

- *иккинчидан*, юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта захирасини шакллантириш жараёнида бевосита иштирок этиш имкониятларини кенгайтириши, айтилган вақтда улар томонидан суғурта хизматига талабнинг ҳам юқори бўлишига эришиши;

- *учинчидан*, турли мулкчилик шаклидаги иқтисодий субъектлар, хусусан, давлат (бюджет маблағларини жалб этмаган ҳолда) ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) жараёнида юз бериши эҳтимол бўлган рисклар бўйича, қўйилмаган зарар ва йўқотишларни қоплаш механизми сифатида қайта суғуртани ривожланишидан манфаатдор бўлиши кабилар.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қайта суғуртага бўлган талабга ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг табиий эҳтиёжлари сифатида қарамаслик лозим. Бизга маълумки, табиий эҳтиёжлар тўғридан-тўғри англанилади ҳамда ҳар бир субъект уларни ўзи учун намоён этиб, бундай эҳтиёжларини қониқтиришга ҳаракат қилади.

Қайта суғурта ва унинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини тадқиқ этиш шуни кўрсатмоқдаки, бошқа субъектлар билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда, уларнинг иштирокчилари ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш) жараёнидаги иқтисодий-ҳуқуқий ва бошқа қатор мажбуриятларни ўз зиммаларига олади. Бу масъулият эса, субъектнинг ўз мулки ёки мулкчиликдаги ҳиссаси бўйича кўриши эҳтимол бўлган риск мавжудлигидан келиб чиқиб, уларнинг суғурта фаолиятига бўлган талабини

юзага келтиради. Шунингдек, иқтисодий, технологик, экологик ва бошқа шарт-шароитларнинг мураккаблашуви замирида ққшимча рисклар ҳам намоён бўлади.

Суғурта рискларининг ҳудудларга кўра, кенглиги, даврийлиги ва хилма-хиллиги, шунингдек, уларни олдини олиш ҳамда қоплаш сарф-харажатларининг қсиб бораётганлиги ҳам суғуртанинг аҳамиятини янада ошириб, унга бўлган талабни орттиради. Айнан шундай талабнинг мавжудлиги суғурта фаолияти натижаси фойдали бўлиши ва унинг истикболдаги ривож учун зарурий шарт-шароитни юзага келтиради.

Қайта суғуртанинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятидан келиб чиқиб, қуйидаги таклифлар берилди:

- қайта суғурта мураккаб ва кенг камровли молиявий-пуллик муносабатлар сифатида тадқиқ этилди ҳамда бу фаолият суғурта фондини яратиш, шунингдек, ундан фойдаланиш жараёни эканлиги асосланди;

- қайта суғурта ва унга илмий-иқтисодий адабиётларда берилган ёндашувлар талқин этилди. Қайта суғуртанинг функциялари мажмуаси ишлаб чиқилди;

- қайта суғуртанинг талаб ва таклиф асосида ривож топиши, субъектларнинг суғурта юзасидан қарорни қабул қилиш босқичлари, суғурта rischi бўйича стратегияни танлаш каби масалалар тадқиқ этилди;

- суғуртачининг суғурта захирасини шакллантириш жараёни қайта тақсимлаш муносабатлари сифатида ўрганиб чиқилди ва унинг турларига изоҳ берилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2005.
2. Ўзбекистон Республикаси “Суғурта фаолияти тўғрисида” қонуни.. 2002 йил 5 апрельда қабул қилинган.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Қонуни. 2008 йил 21 февралда қабул қилинган.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” қонуни. 2009 йил 17 апрелда қабул қилинган.
5. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январ 21-сон.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси.
7. Каримов И. А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Т.: Ўзбекистон, 2005
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
9. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 179- бет.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. -327б.
11. Абдуллаев Й. Сугурта иши. Маърузалар курси. - Самарқанд: СамКИ, 2003.
12. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Страхование. - СПб.: Питер, 2002. - 256 с

13. Гвоздеко А.А. Основы страхования: Учебник. – 2-е изд., переб. И доп. – М.: Финансы и статистика, 2003. -320 с
14. Жилина М. Государственное регулирование страхового рынка в зарубежных странах //Финансовый бизнес, 2001. №1
15. Зайналов Ж.Р., Мадиев А. Суғурта иши. – Самарқанд: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2009.
16. Климова М.А. Страхование. Учеб. пос. – М.: ПРИОР, 2004.- 137 с
17. Махмудова Л. Суғурта иши. Ўқув кулланма. – Т.: ТАКИ, 2004
18. Маянлаева Г.И. Организация страхового дела в РК. - Алматы, 2000
19. Основы страховой деятельности. Учебник. / Под ред.проф. Т.А. Федорова. – М.: Издательство БЕК, 2002. – 768 с
20. Сербиновский Б.Ю., Гаркуша В.Н. Страхование дело. Учеб.пос. для вузов. Серия Учебники, учебное пособие. - Ростов н/ Д: Феникс, 2000.- 384 с.
21. Скамай Л.Г. Страхование. Учеб. пос. – М.: ИНФРА-М, 2004, 160 с.
22. Сплетухов Ю.А. Страхование ответственности. Учебное пособие. – М.: Аудитор, 2001. – 172 с.
23. Страхование дело: Учебник под ред. Рейтмана Л.И. – М.: Банковский и биржевой научно – консультационный центр, 1992. – 524 с.
24. Страхование дело: Учебник. в 2-х т. (пер.с нем. О.И. Крютера и Т.А. Федоровой). – Т.1: основы страхования/ под.ред. О.И Крюгера. - М.: Экономист, 2004 -447 с.
25. Хужаев Й. Ташки иқтисодий фаолиятда суғурта. Ўқув кулланма. – Т.: Солик академияси, 2005.
26. Хусанов Ғ. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т.: 2008.
27. Шахов В.В. Страхование. Учебник. – М.: «ЮНИТИ»,2001.- 311 с.
28. Шеннаев Х.М. Суғурта сизга нима беради? Ўқув кулланма. - Т.: ФТМ. 2003. – 106
29. Юлдашев Р.Т. Страховой бизнес. Учебное пособие – М.: Анкил, 2000.
30. Интернет сайтлари:
www.znay.ru
www.straxovka.ru
www.agros.uz
www.unic.gov.uz
www.sig-insurance.uz